O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **8** декабрь, шанба № **49** (2228).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Суббота, **8** декабря, **2007** год, № **49** (2228).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу - цена договорная

Бугунги кунда «Ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз» деган сўзлар кўп ишлатиладиган иборага айланиб қолди. Бу албатта бизнинг, барча ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг орзу-умиди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ислом КАРИМОВ

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ, ўзининг фидокорона меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ривожлантириш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашда ўрнак ва намуна кўрсатган халқимизнинг муносиб вакиллари юксак давлат мукофотлари – фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Улар орасида ишлаб чиқариш соҳаларида, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида, илм-фан, маданият ва санъат, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, Қуролли Кучларимиз ва ҳуқуқ-тартибот идораларида хизмат қилаётган кўплаб юртдошларимиз бор.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

– Бугун Конституциямиз қабул қилинганлигининг 15 йиллик байрами арафасида сиз, азизларни, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган эл-юртимиз намояндаларини табриклаш ва ана шу мукофотларни топширишни мен ўзим учун катта шараф деб биламан, – деди Юртбошимиз. – Ўзбекистоннинг бугун юксак суръатлар ва дадил қадамлар билан ўз олдида турган эзгу ният ва мақсадларга етиш, янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан эркин ва фаровон яшашига эришиш йўлида қўлга киритаётган натижалари – бу ҳеч кимга сир эмас – ўзгаларнинг ҳавасини тортиб, ўзимизга мамнуният, ғурур ва ифтихор бағишламоқда.

Шу борада мен бир фикрни доимо такрорлаб келаман: биз мамлакатимизни тараққий топтириш, олижаноб орзу-интилишларимизни рўёбга чиқаришда қандай улкан марра ва ютуқларга эришган бўлсак, буларнинг барчаси, аввалambор, заҳматкаш, кўпни кўрган, бағрикенг халқимизнинг бунёдкорлиги, унинг оғир, айни пайтда фидокорона меҳнати билан қўлга киритилмоқда.

Ўзбекистонимизни янада обод, ҳаётимизни янада фаровон қилиш борасида бутун халқимиз қатори бугун мана шу муҳташам залда жам бўлган сиз, муҳтарам ватандошларимизнинг ҳам муносиб ҳиссангиз борлигини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Шу қувончли лаҳзаларда барчамиз аввало Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон билан тақдирланган юртдошларимизни – "асримиз мўъжизаси" деб ном олган "Тошгузар–Бойсун–Қўмқўрғон" темир йўли қурилишида жасорат кўрсатиб меҳнат қилган машинист Ҳамза Маҳкамов, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг экскаваторчиси Сайдали Раҳмонов, Тошкент шаҳридаги улкан қурилишларда жонбозлик кўрсатаётган қурувчи Тоир Дадахонов, фермерлик ҳаракатининг фаол вакили, уста пахтакор Халчахон Мирзаева, замонавий ҳаво кемаларини моҳирона бошқариб, ёшларга бу мураккаб ва масъулиятли касб сирларини ўргатиб келаётган Зарҳўжа Саидазимовни Ватанимизнинг олий мукофоти билан самимий муборакбод этамиз, деди Юртбошимиз.

Юртимизни ҳар томонлама равнақ топтириш, унинг шуҳратини дунёга таратиш этишда ўз умрини ижодий ва илмий фаолиятга бағишлаган зиёлиларимизнинг алоҳида ўрни бор. Бундай фидойи инсонларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ўтган йили ҳар икки йилда бир марта бериладиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари таъсис этилганидан барчангиз хабардорсиз.

Мамлакатимиз фан ва техника соҳаларини, адабиётимиз ва санъатимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган 17 нафар ватандошимизга ана шу Давлат мукофотлари бугун биринчи бор топширилмоқда. Шулар қаторида бугун мана шу даврамизда ўтирган, давлатимизнинг фахрли унвон ва мукофотлари, орден ва медаллари билан тақдирланган барча юртдошларимизни яна бир бор самимий табриклайман.

Айниқса, ҳаётга катта умид ва ишонч билан қадам қўяётган навқирон авлод вакилларини, Ўзбекистонимиз байроғини жаҳон майдонларида баланд кўтариб келаётган спортчи ёшларимизни қизғин қутлаш менга катта хурсандчилик бағишлайди, – деди Ислом Каримов. – Сизларга, сизларнинг тимсолингизда барча спортчиларимизга келгуси йили Пекинда бўладиган Олимпия ўйинларида зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Шундан сўнг Юртбошимиз давлатимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

– Шу кунларда марказда ва жойларда давлатимизнинг юксак мукофотларини ўз эгаларига топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ана шу мукофотларни қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизни ҳам ўзимнинг энг яқин қадрдонларим сифатида ғойибона бағримга босиб, чин қалбимдан табриклайман, – деди Президентимиз. – Муқаддас ҳадисларда яхшиликнинг мукофоти – яхшиликдир, дейилган. Шу маънода, сизларнинг халқимиз ва Ватанимиз олдидаги эзгу ва олижаноб ишларингиз, фидокорона меҳнатингизнинг эътирофи бўлган, сизга ярашиб турган юксак нишон ва унвонлар барчангизга буюрсин, қилган меҳнатларингизнинг роҳатини кўриш насиб этсин.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «Хатича ая» фермер хўжалиги бошлиғи Халчахон Мирзаева, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 6-мактаб директори Людмила Шульга, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири, академик Маҳмуд Салоҳиддинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбек миллий академик драма театри актёри Учқун Тиллаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими, Қорақалпоғистон Республикасидаги Қўнғирот сода заводи бош муҳандиси Абат Рамбергенов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директорининг ўринбосари Елена Борисова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Абдулла Тангриев, Фан ва техника соҳасидаги I даражали давлат мукофоти совриндори, Республика махсус кардиология маркази директори Равшанбек Қурбонов, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси, Навоий давлат педагогика институти қошидаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқитувчиси Лола Зайнуддинова ва Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ашула ва рақс ансамбли хонандаси Озодбек Назарбеков ушбу мукофотлар бундан буён ҳам Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундашини, янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантиришини таъкидладилар. Юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

(ЎзА).

Ватан шарафлайди, посбонларини!

К. ҒУРАЕВ суратга олган.

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ – ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Аввалambор, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни қутлуғ сана – Конституциямиз байрами билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Бугун биз ҳаётимизнинг Асосий қонуни бўлмиш мустақил Ўзбекистонимиз Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Барчамиз шу ўтган давр мобайнида юртимизда амалга оширилган том маънодаги тарихий ишлар, мамлакатимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартириб бораётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнлари замирида аввало Конституциямизнинг принцип ва талаблари турганини кўриб, кузатиб келмоқдамиз.

Ҳақиқатан ҳам, бугун босиб ўтган йўлимизни танқидий ва холисона баҳолар эканмиз, юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан марраларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган йўл-йўриқларни оғишмай амалга ошириш натижасида эришаётганимизни мамнуният билан таъкидлаш лозим.

(Давоми 2-бетда).

БУЮК БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 15 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда маъруза қилди.

Юртбошимиз ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қандай натижа ва ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси мамлакатимиз Конституциясига асосланишини алоҳида таъкидлади.

Инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислоҳотлар халқимиз турмушининг янада фаровонлашувига, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлашга, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш ва ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз бу борадаги эзгу ишларимизни кенг кўламда давом эттиришда мамлакатимизда кечаётган муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови алоҳида ўрин тутишини, халқимизнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича қилаётган ишларимизнинг самарадорлигини янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

Дунёда «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган тараққиёт йўлимизнинг асосий йўналишларидан бирини кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ташкил этади.

Ана шу эзгу ниятни амалга ошириш мақсадида истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини – кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги ишлар Ижтимоий ҳимоя йилида янги босқичга кўтарилди. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳага йўналтирилган умумий харажатлари 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимиздаги "Меҳрибонлик" уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Бундай муассасаларда тарбияланаётган болаларнинг тўлиқ таълим олиши, даволаниши, яшаши учун барча шароитлар яратилди. Бошқача айтганда, "Сен ёлғиз эмассан" деган даъват жамиятимиз ҳаётида чинакамига ўз ифодасини топмоқда.

Ногирон ва ёрдамга муҳтож одамларнинг оғирини енгил қилишга, уларга хизмат кўрсатишга ўзини бағишлаган инсонлар – "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйларида ишлаётган ҳамшира, тарбиячи ва шифокорларнинг, шу соҳага дахлдор мутахассис ва хизматчиларнинг меҳнатини тўғри баҳолаш, уларни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ кўплаб ижтимоий объектлар бунёд этилди. Янги иш ўринлари яратилиб, касаначилик ҳаракатига кенг йўл очилди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга кучли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди.

1997 йилдан буён янги йилга муайян ном бериш яхши анъанага айланган.

Шу анъанага биноан Президентимиз Ислом Каримов янги – 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифини йиғилганлар гулдурос қарсаклар билан маъқуллашди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

ЎзА.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚАДРИЯТЛАР

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, қўлга киритган биринчи ютуғимиз асосий қонунимиз бўлмиш Конституциямизнинг қабул қилиниши бўлди. Мана, Конституциямизнинг 15 йиллигини нишонламоқдамиз. Ўтган давр мобайнида қомусимизнинг нақадар мукаммал қилиб тузилганлигига , унда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг уйғун ҳолда акс этганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилиш мумкин.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИМИЗНИНГ МУҲИМ ҚИСМИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 125-модда.

(Давоми 3-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ИСТИҚЛОЛ ҚЎШИҒИ – МИЛЛАТ ҚЎШИҒИ

(Давлатимиз Мадҳияси қабул қилинганининг 15 йиллигига)

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган
ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга.
(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 5-моддасидан).

Мустақил тараққиёт йўлимизни – ўзимизга хос ва ўзимизга мос моделимизни белгилаб олганимизданоқ кимларнинг фарзандлари эканлигимизни, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни дунёга айтганмиз.

(Давоми 8-бетда).

5 ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ
ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

10 ГЕРОИ IV ВСЕМИРНЫХ ВОЕННЫХ ИГР
ЗАСЛУЖЕННЫЕ ПОБЕДЫ ЛЕГКОВЕСА


11 ҚАРОР ВА ИЖРО
ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ
ЎЗБЕКИСТОННИ УЛУҒЛАЁТГАН ҚИЗ

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ – ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунинг учун ҳам давр ўтиши билан биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, қадр-қимматини янада чуқурроқ англаб бормоқдамиз ва унга бўлган ҳурмат-эътиборимиз тобора ортмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бугун Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллигини нишонлар эканмиз, барчамиз учун катта бир имтиҳон бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайловни юксак даражада ўтказиш масаласи ҳақида тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Авваламбор, Конституциямизда сайловларни, жумладан, давлат раҳбари сайловини демократик асосда, замон талаб қиладиган даражада ўтказиш аниқ ва равшан белгилаб берилгани ҳаммамизга яхши маълум.

Бу ҳақда гапирганда, бугун мамлакатимизда амалда жорий этилаётган Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талабларга тўлиқ асосланган ҳолда ишлаб чиқилгани ва шу билан бирга, халқаро андозалар, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси бу борада инобатга олинганини таъкидлаш лозим.

Бизнинг Асосий қонунимизда сайлов тўғрисидаги махсус 23-боб мавжуд бўлиб, бу масала бундан ташқари яна ўндан зиёд қонунларимизда ўз ифодасини топган.

Юртимизда ўтказиладиган бу галги сайловнинг ўзига хослиги ва эътиборга сазовор томонлари ҳақида гапирганда, шуни айтиш керакки, республикамизда давлат раҳбари лавозимига номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партияларга берилган.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган ва халқимиз ўртасида ўзига эътибор тортаётган, аҳолимизнинг маълум ижтимоий гуруҳлари манфаат ва интилишларини ифода этишга қодир бўлган партияларга ана шундай ҳуқуқ берилиши ўз навбатида барча демократик норма ва талабларга тўлиқ жавоб беради.

Шу билан бирга, партия аъзоси бўлмаган аҳоли номидан уларнинг орзу-умидлари ва хоҳиш-иродасини ифода этиш мақсадида сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод ҳам бу сайловда қатнашмоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз бугун амалга ошираётган сайлов тизимининг модели чуқур ва атрофлича ўйланган бўлиб, халқаро андозалар ва дунёдаги демократик давлатларнинг илғор тажрибасига суянган ҳолда, халқимизнинг анъанавий қадрият ва қарашларини ҳам тўлиқ акс эттиради, десак, ўйлайманки, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ҳозирги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифамиз – Президент сайловини Конституциямиз, қонунларимиз ва халқаро меъёрларга қатъий риоя қилган ҳолда ўтказишда ўзимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни намоён этишдан иборат. Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайман.

Авваламбор, сайловнинг барча жараёнларида қонун устуворлиги ва эркинлик ҳукмронлигини таъминлашимиз, барча номзодларга тенг шароитлар туғдириб бериш, совет давридан қолган, ҳали-бери учраб турадиган баъзи бир тартиб ва қолиплардан бутунлай воз кечишимиз даркор.

Шу билан бирга, сайловни амалдаги қонунларимизга тўла итоат қилган ҳолда ўтказиш ва ҳар қандай давлат-маъмурий идоралари томонидан, умуман четдан туриб бу жараёнга таъсир кўрсатишга йўл қўймасликка алоҳида аҳамият беришимиз керак.

Келгуси сайловга халқаро жамоатчилик томонидан қандай баҳо берилиши сайлов жараёнларида сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакилларига, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларга, оммавий ахборот воситаларига уларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириши учун қай даражада шароит яратиб беришимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур.

Бугунги ахборотларга мувофиқ, чет мамлакатлардан ва нуфузли халқаро ташкилотлардан, шу жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотидан сайловни кузатиш учун келаётганлар сони 300 кишига яқин бўлиб, ҳаммаси бўлиб 23 минг 300 киши сайловимизни кузатади.

Булар қаторида Европа, Осиё, Америка Қўшма Штатлари, мусулмон ва араб давлатларининг вакиллари сайлов жараёнлари қандай ўтишини кузатади. Шу фурсатдан фойдаланиб, бир масалага алоҳида урғу бериб тўхталмоқчиман.

Ҳеч кимга сир эмас – бугунги кунда ҳам Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари, Европа давлатлари орасида ҳали-бери давом этаётган қандайдир ўзаро тушунмовчилик ҳақида башорат қилувчилар, бошқача айтганда, шундай муносабатларни сақлаш ва шундан манфаат топиш тарафдорлари борлигини сезиш, кузатиш қийин эмас.

Бундай ҳолатларга нисбатан нима дейиш мумкин?

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида барча яқин ва узоқ қўшнилар билан, шу жумладан, Америка Қўшма Штатлари ва Европа билан ҳам ўзаро манфаатли, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик алоқаларини олиб боришнинг доимо тарафдори ва бу йўлдан биз ҳеч қачон қайтмаймиз.

Ишонч билан айтиш мумкин – бугунги кунда бундай алоқаларнинг замини тобора мустаҳкамланмоқда ва биз бундан манфаатдормиз.

Мухтасар қилиб айтганда, навбатдаги сайловни Конституция ва қонунларимизда белгиланган тартибда – очиқ, холис ва ҳаққоний асосда, ҳеч кимдан кам бўлмаган юқори даражада ўтказишнинг моҳияти ва аҳамиятини бугунги кунда сайловчиларимиз, бутун халқимиз чуқур англамоқда, десам, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз қўшиласиз.

Ишончим комилки, кўпни кўрган, қанча-қанча синовлардан ўтган халқимиз бу сайловда фаол иштирок этиб, ўзининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз беради.

Қадрли ватандошлар!

Барчамизга маълумки, дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг негизида турган машҳур беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдан иборатдир.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилаётган бу сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағлар давлатимиз бюджетининг умумий харажатларига нисбатан 2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасида бўлиши белгилаб қўйилган.

Бундай кўрсаткичлар бошқа давлатлар тажрибасида камдан-кам учрайдиган ҳол, десак, бу – айни ҳақиқатдир.

Ана шу сиёсатни изчил давом эттириш, унинг самарадорлиги ва таъсирини ошириш, жамиятимизда инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2007 йил юртимизда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилингани ва шу асосда қабул қилинган махсус давлат дастури йил мобайнида амалга ошириб келинаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Еттита устувор йўналишдан иборат бўлган, юзлаб муҳим тадбирларни ўзига қамраб олган бу кўпқиррали дастурнинг ижроси ҳақида, албатта, йил якуни билан ҳисоботлар берилади ва холис хулосалар чиқарилади.

Энг муҳими, бу дастурда белгиланган режа ва тадбирларни бажаришда юксак фаоллик ва жонкуярлик кўрсатган, ўзининг катта ҳиссасини қўшган ташкилотлар ва инсонлар ҳақида матбуотимиз, радио-телевидение орқали жамоатчилигимизга атрофлича маълумотлар етказилади ва уларнинг меҳнатига, савобли ишларига ҳаққоний баҳо берилади.

Рухсатингиз билан, мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, умуммиллий тус олган, мамлакатимиз ва халқимиз, узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларимиз ҳаётида чуқур из қолдирган ушбу дастурнинг асосий якунлари ҳақида, амалга оширган энг муҳим ишларимизнинг натижаси ва самараси хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳаммамизга аёнки, кенг қамровли, авваламбор, инсон ҳаёти ва унинг манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ йўналиш ва тармоқларни ўзида мужассам этган ижтимоий соҳа ривожини таъминлаш, уни янги босқичга кўтариш, бу соҳадаги муаммоларни ечиш, бир сўз билан айтганда, биз бугун олиб бораётган кучли ижтимоий сиёсат ва бу борадаги ислоҳотлар биринчи навбатда ўзининг қонуний асосларини мустаҳкамлашни талаб қилади. Шу мақсадда "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури бўйича йил давомида 26 та қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шулар қаторида ижтимоий ҳаётимизда, ҳеч шубҳасиз, ғоят муҳим ўрин тутадиган ва катта таъсир кучига эга бўлган "Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги ва "Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, шунингдек, "Ҳомийлик тўғрисида"ги ва "Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида"ги қонунлар айниқса эътиборга сазовордир.

Айни пайтда ижтимоий тизимни, шу билан боғлиқ ҳолда марказда ва жойларда бу вазифага масъул бўлган идора ва ташкилотлар фаолиятининг самарасини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимларини тубдан ислоҳ қилиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонлар, ўйлайманки, ҳаётимизда бу соҳани янада такомиллаштириш ва унинг амалий таъсирини ошириш борасида муҳим қадам бўлди.

Бу йўналишдаги ишлар бугунги кунда давом эттирилмоқда.

Дастурда кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда "Меҳрибонлик" уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, боқувчисини йўқотган болаларга давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ғамхўрлигини кучайтириш, шу тариқа "Сен ёлғиз эмассан" деган даъватни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган ишлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Жорий йил мобайнида 15 та махсус мактаб-интернат ва "Меҳрибонлик" уйларида жами 4 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилганини, Халқ таълими вазирлиги томонидан "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчиларига салкам 112 миллион сўмлик кийим-бош ва зарурий жиҳозлар олиб берилганини қайд этиш лозим.

Шуниси эътиборга лойиқки, бу савобли ишларга жойларда кўпгина ташкилот ва ҳомийлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Мисол учун, Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятларида шу мақсадда қарийб 580 миллион сўмлик маблағ сарфлангани бунинг тасдиғидир.

Бу ҳақда гапирганда, бажарган ишларимиз орасида алоҳида ажралиб турадиган хайрли бир тадбир ҳақида тўхталиб ўтишни истардим. Жорий йил давомида давлат бюджетидан 4 миллиард 600 миллион сўмга яқин маблағ сарфланиб, республикамиздаги 28 та "Меҳрибонлик" уйи ҳамда 86 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўзимизда – Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган 114 та замонавий автобус берилди, 4 та оилавий болалар уйи эса "Дамас" микроавтобуслари билан таъминланди.

Ана шундай эзгу ишларимиз ҳақида гапирганда, ўйлайманки, Алишер Навоий бобомизнинг чуқур маъноли сўзлари беихтиёр барчамизнинг хаёлимизга келади. Яъни, улуғ аждодимиз айтганидек, кўнгли ярим бир инсоннинг дардига ҳамдард бўлиш, унинг руҳини кўтариш бамисоли бутун жаҳонни обод қилиш билан баробардир.

Бинобарин, биргина мана шу тадбир туфайли юзлаб қалби ўксик болаларимизнинг қандай хурсанд бўлганини, уларнинг қувончини, энг муҳими, тақдир синовлари олдида улар ўзининг ҳеч қачон ёлғиз қолмаслигини, давлатимиз, халқимизнинг ишончли ҳимоясида бўлишини яна бир бор ҳис этганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Дастур доирасида аҳолининг кам таъминланган, кўмак ва ёрдамга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларни меҳнатга жалб қилиш орқали даромад манбаи билан таъминлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди.

Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 50 мингдан зиёд оилага бепул қорамол берилгани, 10 минг 580 та оилага чорва моллари сотиб олиш учун тижорат банклари орқали 8 ярим миллиард сўмга яқин имтиёзли кредит ажратилгани ҳам бу борада бошлаган ишларимизнинг давом этаётганини кўрсатади.

Йил мобайнида ҳомийлар ва оталиқ ташкилотлар томонидан 3 миллион 100 минг нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронларга, кам таъминланган оилаларга қарийб 9 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шулар қаторида Олмалиқ шаҳридаги "Саховат" уйи, Андижон шаҳридаги кўзи ожизлар яшайдиган 2 та кўп қаватли уй тубдан таъмирлаб берилганини айтиб ўтиш зарур.

Шу билан бирга, пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббий марказларда 2 минг 400 нафар фуқарога бепул тиббий хизмат кўрсатилгани, ногирон шахсларга 8 мингга яқин протез-ортопедия жиҳозлари, 3000 та ногиронлар аравачаси, бир ярим минг дона эшитиш мосламаси, 5 минг дона ҳасса ва қўлтиқтаёқ бепул берилганини қайд этиш ўринли бўлади.

Анъанамизга кўра, бу йил мактаб остонасига илк бор қадам қўйган 485 минг нафар фарзандларимизга 5 миллиард 157 миллион сўмлик ўқув анжомлари бепул тақдим этилди.

Айни пайтда кам таъминланган оилаларга мансуб 715 минг ўқувчи 17 миллиард 816 миллион сўмлик қишки кийим-бош билан бепул таъминлангани ҳам дастур бўйича бажарилган муҳим тадбирлар қаторига киради.

Ўтган ёз мавсумида 234 минг нафар бола, жумладан, экологик шароити мураккаб бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшайдиган 3 мингдан ортиқ ўғил-қизларимиз, шунингдек, 8 мингдан зиёд "Меҳрибонлик" уйи ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари учун оромгоҳларда бепул дам олиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жорий йил мобайнида ногиронларни нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам қатор тадбирлар ташкил этилди.

Бухоро шаҳрида 450 нафар ногирон бола иштирок этган Ўзбекистон миллий махсус олимпиада ўйинлари, Андижон, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида "Мурувват" уйларида тарбияланаётган болалар ўртасида параолимпия мусобақалари ўтказилгани бунга мисол бўла олади.

Энг муҳими, ногиронларнинг тўлақонли ва мазмунли ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган мана шундай ишларимиз бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Яқинда ногирон-ампутантлар ўртасида футбол бўйича ўтказилган 7-жаҳон чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг дунёда машҳур бўлган Бразилия ва Эрон, Украина, Туркия ва Россия каби мамлакатларнинг терма жамоалари устидан ғалаба қозониб, матонат ва жасорат намунасини кўрсатиб, жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Азиз юртдошлар!

Мазкур дастурда ўз ифодасини топган ўта муҳим ва савобли ишларни бажаришда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар, чет эллик ҳамкорларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Жумладан, Жанубий Кореянинг Саломатлик ва ривожланиш жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонаси капитал таъмирланиб, замонавий асосда жиҳозланди. Шулар қаторида чет эллик мутахассислар ёрдамида 180 нафар бола операция қилиниб, туғма нуқсонлардан халос этилгани, 22 нафар бемор боланинг эса Германия касалхоналарида даволаниб қайтганини таъкидлаш жоиз.

Мана шундай олижаноб ҳамкорлик ҳақида гапирар эканмиз, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотларга, бу инсонпарварлик тадбирларида фаол қатнашган хорижлик дўстларимизга сизнинг номингиздан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этамиз.

Дастурда белгиланган яна бир муҳим вазифа – ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимида ишлаётган, "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш бўйича бажарилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Хусусан, "Мурувват" уйлари тарбиячи ва ходимларининг иш ҳақини ошириш учун шу йилнинг ўзида марказий ва маҳаллий бюджетдан 125 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганини қайд этиш зарур.

Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат қиладиган санаторийларнинг ходимлари учун 15 фоизли устама ҳақ жорий этилди, хонадонларга бориб ижтимоий ёрдам кўрсатадиган ходимлар учун 230 миллион сўм, ногирон болаларни уйда ўқитиш учун эса бир ярим миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

"Ижтимоий ҳимоя йили" дастурига мувофиқ ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёш оилаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, фарзандларимизни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида ҳам йил давомида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Айниқса, ёш оилаларнинг муаммоларини ечиш, аввало, уй-жой сотиб олиш ва иморат қуриш, рўзғорини бутлашга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 57 миллиард 500 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди.

Шу билан бирга, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида ёш тадбиркорларга 2 миллиард 500 миллион сўмлик микрокредит, ёш оилалар учун 1 миллиард 800 миллион сўмлик ипотека кредити, 1 миллиард 100 миллион сўмлик истеъмол кредитлари, шунингдек, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар учун таълим грантлари ажратилганини таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида жорий йил мобайнида 195 минг нафар йигит-қиз иш билан таъминлангани, бир қанча вилоят ва туманларда ёшлар марказлари ташкил этилгани эътиборга лойиқ, албатта.

Муҳтарам дўстлар, ҳаммамиз яхши биламизки, ижтимоий ҳимоя деганда, биринчи навбатда хонадонларимиз файзи ва фариштаси бўлган муҳтарам қарияларимизни қадрлаш, уларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришни тушунамиз. Дастурда белгиланган тадбирларга мувофиқ бу борада ҳам бир қанча ибратли ишлар қилинди.

Авваламбор, яқинда қабул қилинган "Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонга асосан фахрийларимиз учун жорий йил охиригача Пенсия жамғармасидан қўшимча равишда 20 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди, кейинги йилда эса шу мақсад учун 94 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, 480 мингдан зиёд ёлғиз кекса, уруш ногирони ва иштирокчиларига, фронт ортида меҳнат қилган ҳамда Чернобиль ҳалокатини бартараф этишда қатнашган кишиларга 21 ярим миллиард сўмдан зиёд компенсация тўловлари амалга оширилди.

Шу тоифага мансуб бўлган 37 минг нафар киши ва кўзи ожиз биринчи гуруҳ ногиронларининг йил давомида шаҳар йўловчи транспортидан бепул фойдаланиши йўлга қўйилиб, бу ишларга 648 миллион сўм бюджет маблағи сарфланди.

Биргина "Тошкенттрансхизмат" уюшмаси томонидан аҳолига қарийб 2 миллиард 230 миллион сўмлик имтиёзли транспорт хизмати кўрсатилганини қайд этиш жоиз.

Айни пайтда 28 минг нафар фахрийларимизнинг Бухоро ва Самарқанд, Хива ва Тошкент каби қадимий шаҳарларга бепул саёҳатлари ташкил этилганини уларга кўрсатилаётган амалий эътиборнинг яна бир ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Азиз дўстлар, ўйлайманки, бундай мисолларни сизларнинг ҳар бирингиз ўзингиз яшаётган маҳалла, туман ёки шаҳар ҳаётидан кўплаб келтиришингиз мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, жорий йилда юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан жами 483 миллиард 600 миллион сўм, жумладан, 213 миллиард 200 миллион сўм бюджет маблағи, 270 миллиард 400 миллион сўм миқдорида грантлар, ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағи сарфлангани бу соҳада амалга оширган улкан ишларимизнинг ҳажми ва салмоғини яққол кўрсатади.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун мамлакатимизни қамраб олган бу умуммиллий ҳаракатда фаол иштирок этган давлат ва ҳокимият идоралари, нодавлат ташкилотлар, хусусан, "Маҳалла" ва "Нуроний", "Соғлом авлод учун" ва "Экосан", "Меҳр нури", "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Сен ёлғиз эмассан" каби жамғармалар, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, Шифокорлар уюшмаси сингари кўплаб жамоат бирлашмаларига, бу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли юртдошлар!

Юқорида келтирилган далил ва мисоллар аввало давлатимиз, эл-юртимизнинг ўтган давр мобайнида амалга оширган улкан ишларини, шу йўлда қанча-қанча куч, маблағ ва имкониятлар сафарбар этганимизни яққол кўрсатиб турибди.

Шулар ҳақида гапирганда, қуйидаги фикр ва хулосалар беихтиёр ҳар қайси инсоннинг хаёлига келиши табиий:

Авваламбор, юксак инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган, меҳрибонлик, меҳр-оқибат, мурувват ва саховат каби туйғуларнинг ёрқин намоёни бўлмиш бундай ишларни амалга ошириш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди.

Яна бир фикр шуки, бундай эзгу интилиш, бундай ҳаракатларнинг негизида айни бизнинг миллатимиз ва халқимизга мансуб бўлган бағрикенглик ва олижаноблик фазилатлари, шу билан бирга, мустақиллик йиллари давомида юртдошларимиз дунёқарашининг тубдан ўзгаргани, аввало ёш авлодимизни тарбиялаш ва маънавий юксалтириш йўлида қилаётган барча-барча ишларимиз ўз ифодасини топган, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун мен шу юксак минбардан туриб, узоқ ва яқин қўшниларимизнинг ҳавасини тортаётган жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг меҳнатини, айниқса, маҳалла аҳли, аёллар ўртасида катта иш олиб бораётган маслаҳатчиларнинг фаолиятини алоҳида эътироф этиш ва уларга чин қалбимдан ташаккур билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Ўзингиз ўйланг, азизларим, барчамиз биргаликда амалга оширган мана шундай беқиёс ишларни бирон-бир рақам билан ўлчаб, ифода қилиб бўладими?

Ўзингиз айтинг, қадрли дўстлар, биродарлар, мана шундай буюк ишларга қодир бўлган халқни енгиб бўладими?

Муҳтарам юртдошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги – 2008 йилга қандай ном бериш ва шу асосда қандай эзгу мақсадларни ўзимиз учун энг муҳим ва устувор вазифа сифатида белгилаб олиш ҳақида фикр алмашиб, маслаҳатлашиб олсак, ўйлайманки, айни муддао бўлади.

Барчамизга маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради.

Биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда авваламбор миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини муҳим принципиал ва ҳал қилувчи даражага кўтарганимиз ҳаммамизга яхши аён.

Мустақиллик йилларида шу мақсадда амалга оширган том маънодаги тарихий ишларимиз ҳозирги вақтда, сўзсиз, ўз ҳосилини бермоқда. Бу йўналишда бошлаган улкан ишларимизни давом эттириш, янги поғонага кўтариш, энг муҳими, бугунги кунда долзарб масала бўлмиш ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун замоннинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Мана шу ўта муҳим вазифаларни амалга ошириш, бу масалага давлатимиз ва жамиятимиз, кенг жамоатчилигимиз эътиборини жалб этиш мақсадида мен янги – 2008 йилни мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилишни таклиф этаман.

Азиз дўстлар!

Янги йилга айнан мана шундай ном беришимиз ва бундан кўзланган мақсадларимизнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида ортиқча гапириш ва уни исботлаб беришнинг зарурати йўқ, албатта.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса – 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади.

Ўз-ўзидан аёнки, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт.

Шу мақсадларни амалга ошириш учун 2008 йилга "Ёшлар йили" деб ном беришимиз муносабати билан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус давлат дастурини ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур, албатта.

Бу дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гапирганда, айрим муҳим, бугунги кунда долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

Биринчилар қаторида ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур.

Муҳим масалалар қаторида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган умуммиллий давлат дастурларимизнинг ижросини янги босқичга кўтариш, марказда ва жойлардаги бунга жавобгар бўлган идораларнинг масъулиятини ошириш вазифаси туриши керак.

Ҳаммамиз бугун яхши тушунамиз – фарзандларимизнинг мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида замонавий билим олиши, ҳаётда керак бўлган касбга эга бўлиши ҳақида гапирганда, бу йўналишда олиб бораётган ишларимизнинг сифати ва самарасини, пировард натижасини оширишда ҳали кўпгина масалаларни ечишимиз лозим.

Лекин фарзандларимизнинг замонавий билим ва тарбия олиши – олдимизга қўйган мақсадимизнинг фақатгина бир қисми эканини англаб олишимиз керак.

Шуни таъкидлаш зарурки, бу масаланинг иккинчи қисми, яъни йигит-қизларимизнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши ва ишлатиши учун, ўқув юртларини битириб чиқаётган болаларимизнинг ҳаётда ўзига мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар туғдириб бериш масаласи – тан олишимиз керак – ҳали-бери эътиборимиздан четда қолиб келмоқда.

Бундай ҳолатлардан бош тортмасдан, чуқур ўйланган дастурларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳисобидан бу масаланинг ечимини топиш – ҳозирги вақтдаги энг долзарб вазифамиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугунги кунда ўткир муаммоларимиздан энг муҳими – бу ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш ва иш билан таъминлашдан иборат. Бу вазифа давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллий ҳокимликларнинг эътибор марказида туриши зарурлиги ҳаммамизга аён.

Шу борада авваламбор қишлоқларимизда, кичик шаҳарларда истиқомат қилаётган ўғил-қизларимизни муносиб иш билан таъминлашга, айниқса армия сафларидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга алоҳида эътибор беришимиз даркор.

Айни мана шундай ўта долзарб масалалар дастурдан асосий ўрин топиши лозим.

Ёшлар тарбияси ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало оила муҳитини ўзимизга тасаввур қилишимиз табиий.

Бугунги кунда республикамизда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб, юртимиздаги жами оилаларнинг 16 фоизини ташкил қилади. Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи дастурда муносиб ўрин эгаллаши лозим. Шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг замонавий билим олишини таъминлаш билан бирга, уларнинг маиший шароитини янада яхшилаш, спорт билан мунтазам шуғулланиши бўйича аниқ режалар белгиланиши даркор.

Биз истеъдодли фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш – бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида ўртага қўйиш керак, деб ҳисоблайман.

Кейинги йилларда бу масалада давлат идоралари билан биргаликда бир қатор нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иш олиб бораётганини қўллаб-қувватлаш зарур.

Ана шундай ҳамкорлик натижасида юртимизда ўтказилаётган "Ниҳол" ва Зулфия мукофоти танловлари, "Янги авлод" ва "Келажак овози" кўрик-танловлари минг-минглаб ёш истеъдод эгаларини кашф этаётгани барчамизни қувонтиради.

Мамлакатимизда шаклланиб келаётган фуқаролик жамиятига хос бўлган ана шундай ибратли ишларни амалга ошираётган нодавлат ташкилотларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур кўмак ва ёрдам бериш масаласи ҳам мана шу дастурда ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга, ёшларимизнинг маданий савиясини юксалтириш, маънавий оламини бойитиш, санъат ва гўзалликка интилишини кучайтириш мақсадида янги йилда республикамиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 – 2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим вазифаларимиз қаторидан жой олиши керак.

Қадрли дўстлар!

Мен "Ёшлар йили" давлат дастурида асосий эътибор беришимиз зарур бўлган баъзи бир энг муҳим масалалар ҳақида тўхталиб ўтдим, холос.

Бу дастур устида ишлайдиган, уни тайёрлашга масъул бўлган мутасаддилар авваламбор кенг жамоатчилик, маҳалла, хотин-қизлар ташкилотлари, ота-оналар ва мураббийлар, айниқса ёшларимизнинг фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва тавсияларини ҳар томонлама ўрганиб, бор куч ва имкониятларни ана шу устувор йўналишларни амалга ошириш учун қаратишлари лозим.

Ушбу дастурда ўз аксини топадиган барча-барча мақсад ва вазифаларни ўзида мужассам этадиган ягона ғоя ҳаммага очиқ аён бўлиши керак. Бу ғоя – ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини, бугунги ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарларга, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшашини ва жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Шу борада бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Бугунги кунда "Ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз" деган сўзлар кўп ишлатиладиган иборага айланиб қолди. Бу албатта бизнинг, барча ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг орзу-умиди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Лекин мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, бу иборани кенгроқ маънода ифода этишни истардим. "Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир", десак, ўйлайманки, бу олиб бораётган сиёсатимиз ва мақсадларимизга жавоб берадиган даъват бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, бу даъват биринчи навбатда мамлакатимизда тобора куч-қувват, ғайрат ва шижоатга тўлиб бораётган, ҳаётда улкан вазифаларни адо этишга қодир бўлган ёшларимизнинг орзу-интилишлари ва кайфиятига мос келади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзини амалда намоён этиши учун майдонни кенгайтириш керак.

Мен кўп чиқишларимда ёшларга бўлган ишончим ва меҳримни ифода этиб, юртимизда яшаётган барча-барча ёшлар менинг болаларим, менинг фарзандларим, деб қалбимдаги эзгу туйғу ва тилакларимни билдираман.

Албатта, ҳар қайси боланинг ўз ота-онаси ва яқинлари бор. Ва айни шу инсонлар боланинг соғлом ва оқил бўлиб, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга бўлиб ҳаётда ўз ўрнини топишини истайди ва керак бўлса, шу йўлда бутун борлиғини бағишлайди.

Лекин мен шу юртнинг раҳбари бўлиб, ҳар қайси ота-онанинг ёнида туриб, жондан азиз фарзандларимизга билдирадиган орзу-ниятларни амалга оширишда ўзимни масъул, деб биламан ва бундай вазифамдан ҳеч қачон қайтмайман.

Азиз ватандошлар, сизларни Конституция куни билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

ВАТАНГА ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

Давлат мукофотлари топширилди

ЮРТ ҲИМОЯЧИЛАРИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Бугун миллий армиямиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурланса оз. Аввало замонавий, профессионал асосдаги армияни барпо этишда миллати, тилидан қатъи назар шу юртда туғилиб ўсган, шу заминда тарбия топган, киндик қони шу тупроққа тўкилган ватанпарварларга суяндик, таяндик. Бунинг самараси сифатида ўз ҳаётини, ўз тақдирини армиясиз тасаввур этолмайдиган мардлар шаклланмоқда, бугун. Ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватани, халқи олдидаги муқаддас бурч санайдиган шерюраклар шаклланмоқда, бугун. Улар ақл-заковатда, интеллектуал салоҳиятда, халқига, истиқлолга садоқатда ҳеч кимдан кам эмас. Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай дейди: «Фарзандларимиз армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда, қатъий ҳаётий позицияси шаклланмоқда, энг муҳими, улар Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар бўлиб камол топмоқда». Ислоҳотларнинг бундайин самараси эртанги кунга бўлган умид, ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Яхши биламиз, юртимиз ҳимоячиларининг масъулиятли, шарафли хизматлари давлатимиз томонидан мунтазам равишда муносиб тақдирланиб келинмоқда. Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйи арафасида ана шундай сара ўғлонлардан – юрт ҳимоячиларидан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланишганди. Яқинда Мудофаа вазирлигида Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда юксак давлат мукофотлари ўз эгаларига топширилди.

Эгниларига байрам либослари ярашиб турган, миллий армиямизнинг нуфузини кўз-кўз қилаётган марду майдонларимиз, алпкелбат ўғлонларимиз нигоҳларида, қарашларида, мағрур туришларида теран маъно бор. Ватан сурати уларнинг қалбларига кўчган, дейсиз. Нигоҳлар вужудларидаги оташин бир кучдан – садоқат, матонатдан сўзлаётгандек. Бу куч давлатимизнинг ҳаёт мактаби бўлган армияга, унинг сафларидаги ўғлонларга устувор эътиборидан озиқланмоқда, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Мудофаа вазири Р.Мирзаев Ватан ҳимоячиларини Конституциямиз қабул қилинганлигининг 15 йиллиги билан табриклар экан, эътиборни мамлакатимиздаги ҳарбий ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлишимизга, Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш борасидаги ишларимизни изчил давом эттиришимизга, фаол ҳаётий позицияни шакллантиришимизга қаратди.

Маълумки, истиқлолимиз айёмида давлат мукофотлари билан тақдирланган фидойи ҳамюртларимизга Асосий Қонунимиз қабул қилинган кун арафасида юксак мукофотларни топшириш яхши бир анъанага айланган. Мудофаа вазири Президентимиз номидан юксак давлат мукофотларини эгаларига тантанали равишда топширди.

Бугун юрт ҳимоячиси, юрт посбонининг мақоми юксакдан-юксак. Ўзбекистон посбони сўзи бугун қанчалар фахр, ифтихор билан жаранглаётганини ифодалашга тил ожиз. Қўлига қурол олиб, эгнига ҳарбий либос кийиб, юртни қўриётган инсон Ватан, халқ манфаатларининг ҳар томонлама ҳимоячиси эканлигини юракдан англайди. Шунинг учун ҳам нафақат жанговар салоҳиятда, балки ақлу заковатда ҳам намуна бўлишга, ўзбек, Ўзбекистон номини дунёга янада ёйишга, буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлишга интилишмоқда, марду майдонларимиз.

Давлат мукофотлари билан тақдирланганлар номидан сўзга чиққан офицер С.Ярашев, кичик сержант Ш.Усмоновларнинг фикрларидан ҳам шуни яққол ҳис қилиш мумкин.

Тантанага Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорларининг, эстрадамиз юлдузларининг чиқишлари ўзгача файз олиб кирди.

Маълумки, Бош Қомусимиз миллий армиямиз шаклланишида асосий ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтаб келмоқда. Буни юракдан англаган шерюракларимиз конституциявий бурчларига содиқ қолишиб, мардлик касбини янада улуғлашига, демакки миллий армиямизни янада шакллантиришига ишончимиз комил.

Майор Т.ҚУРБОНОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ШАРАФЛИ МАЖБУРИЯТ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида бир гуруҳ Ватан ҳимоячилари давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Офицер Рустам Тўйчибоев юртнинг фидойи ва етук ўғлонларидан бири сифатида ана шундай мукофотланганлардандир.

Баъзан опалар ҳам укаларнинг тақдирида катта роль ўйнайди. Рустамнинг шарафли касбга меҳр қўйишида опаси Турсунойнинг танлаган йўли сабаб бўлган, десак янглишмаймиз. Ички ишлар хизмати офицери Турсуной Тўйчибоева бу машаққатли касбнинг муқаддаслигини ҳар бир ҳаракати, қилаётган ишлари билан укаси қалбига сингдирди. Бугун ука ҳам шарафли йўлга бошлаган шарафли касб эгаси опадан чексиз миннатдор.

Рустамнинг миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётганига ўн йилдан кўпроқ вақт бўлди. Бу деярли катта муддат эмас. Аммо ортда қолган йиллар сермазмун ва ўзига хос бўлиб, фидойи ва етук офицернинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.

Хизмат палласининг дастлабки ҳаяжонли дамларини у яхши эслайди.

– Офицер Шавкат Маҳкамов билан бирга хизмат қилганман, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Рустам Ҳасанов, Алишер Эсонов, Маъмур Азизов, Маъмур Атабаев каби тажрибали посбонлар билан ишлаш қизиқарли бўлган. Улар каби йигитлар туфайли гуруҳимиз биринчиликни қўлдан бермасди. Айнан ўша йилларда жамоанинг аҳиллиги, бир-бирини тушуниши, қўллаб-қувватлаши ҳамиша ижобий самара беришини чуқур англаб етганман. Етакчининг муваффақияти елкама-елка туриб хизмат қиладиган аҳил посбонлар жамоасига ҳар жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳарб илмининг билимдони бўлган истеъдодли офицер тез орада кўпчиликнинг эътиборига тушди. 2003 йилдан эса сержантлар тайёрлаш мактабида хизмат қила бошлади. Бу ерда ҳам ёш мутахассис изланувчанлиги, тиришқоқлиги билан ўзини кўрсата бошлади. Катта ўқитувчи Рустам Тўйчибоев устозлари сифатида офицерлар – Нурмат Умуров, Фахриддин Маҳманабиев, Александр Зокиров, Геннадий Анишенко номларини ҳурмат билан тилга олади. Тажрибали офицерлар билан бир сафда хизмат қилаётганидан хурсандлигини яширмайди. Бугунги кунда сержантлар тайёрлаш мактабида ҳарб илми сирларини мукаммал ўзлаштириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Катта ва бой илмий кутубхона, спорт шаҳарчаси, замонавий жанг санъатини кузатиш ва бошқариб бориш имкониятлари мавжудлиги, юксак талаблар даражасида жиҳозланган машғулот хоналари, фотоэлектрон тренажерлар – буларнинг барчаси посбон маҳоратини оширишга хизмат қилади.

Бугун қаҳрамонимизнинг ўзини ҳам устоз сифатида тан оладиганлар кўпчилик. Мазкур мактабда ундан сабоқ олган посбонларнинг хизмат бурчларини ўташда эришган муваффақиятлари битилган, ўқув даргоҳи номига келган кўпдан-кўп миннатдорчилик мактубларида ҳеч шубҳасиз фидойи офицер хизматларининг ҳам эътирофи бордир.

Лавҳамиз қаҳрамони ўқув жараёни самарадорлигини ошириш мақсадида қатор қўлланмалар ёзиб тайёрлади. «Қуролларнинг вазифаси, жанговар хусусиятлари, таркибий қисмлари», «Ўқ-дорилар», «Қуролларни нормал услубий жанговар ҳолатга келтириш ва оптик нишонларни созлаш» каби ўқув қўлланмаларининг чуқур билим ва маҳорат билан тайёрлангани мутахассислар томонидан юксак баҳоланди. У жанговар санъат сирларидан курсантларга янада чуқурроқ билим бериш учун илмий изланишларини давом эттирмоқда. Мана шундай изланишлар маҳсули бир кун келиб ҳарбий адабиётлар сонини яна бир мукаммал манба билан бойитиши ажаб эмас.

Ёш, тажрибали мутахассисининг мамлакат мудофаа салоҳиятини оширишдаги хизматлари давлатимиз томонидан юксак баҳоланди. Офицер Рустам Тўйчибоев давлатимизнинг юксак мукофоти «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Бундай эътибор ватанпарвар ўғлонни янгидан янги зафарларга чорлаши, илҳомлантириши шубҳасиз.

Рустам рафиқаси Раъно билан фарзандлари Умиджонни тарбиялаб вояга етказишмоқда. Ёруғ, мунаввар орзуларга тўла офицер оиласи унинг машаққатли ва шарафли касбида ҳамиша илҳомбахш маъво бўлиб қолсин.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИМИЗНИНГ МУҲИМ ҚИСМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида шундай дейди: «Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ватанимизнинг хавфсизлиги Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда таъминланмоқда, армияда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки нуфузли касблардан бирига, том маънодаги шон-шараф ишига айланиб бормоқда.

Армия хизматини ўтаётган йигитларимиз ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, қатъий ҳаётий позицияси шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда».

Бу фикрлар Бош Қомусимиз асосида тузилган миллий армиямизнинг ислоҳотлар сабаб қанчалар шаклланаётганининг ўзига хос эътирофи бўлиб, Қуролли Кучларни шакллантиришда, мудофаа салоҳиятимизни оширишда нималарга эътибор қаратганимизни, устувор масалалар бўйича қандайин йўлдан борганимизни ўзида акс эттиради.

Келинг, Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан истиқлолимизни, ҳудудий яхлитлигимизни, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш учун тузилган миллий армиямизнинг шаклланиш одимларига қисқача назар ташлайлик.

Мудофаа қобилиятимиз, мудофаа салоҳиятимиздан сўз очдик. Таъкидлаш жоизки, бу тамойил ўзида сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, илмий ва маънавий омилларни уйғунлаштирган. Аввало мудофаа қобилиятимизни шакллантириш йўлида куч ишлатишдан, куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечишдек мақсадни илгари суриб, бу борада мажбуриятларни қабул қилдик. Яъни халқимиз хоҳиш-иродасини– тинчликпарварлигимизни намоён этдик.

Маълумки, мудофаа қобилиятимизнинг муҳим қисми Қуролли Кучларимиз ҳисобланади. Ҳарбий қурилиш соҳасида ислоҳотлар ўтказар эканмиз, профессионал армияни, ҳар томонлама яхши тайёрланган, халқига, юртига садоқатли бўлган посбонларни тарбиялашдек мақсадни олдимизга қўйдик.

Табиийки, асос солинган миллий армиямизнинг қандайин шаклланиши, бу борада қандай йўлдан боришимиз жанговар салоҳият омилига ҳам боғлиқ. Бу нималарда акс этди? Ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туришимиз, юртимизнинг жўғрофий-стратегик хусусиятларини инобатга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчига ҳавода ҳам, қуруқликда ҳам муносиб зарба бера олишимиз йўлидаги интилишларимиз жанговар салоҳиятимизни белгилаб берди.

Жанговар қобилият, ҳарбий қудратни шакллантиришда эса шахсий таркибнинг профессионал даражасини, жисмоний тайёргарлигини, интизомини юксалтиришга эътибор қаратдик. Табиийки, бунда етук посбонни тайёрлаш масаласи кун тартибида турди. Яъни халқимизнинг маданий, маънавий қадриятларини, жаҳон тамаддунининг илғор ютуқларини ўзлаштирган, жисмонан ва маънан баркамол юрт фидойиларини тайёрлаш йўлидан бордик. Бунинг учун кадрлар тайёрлаш тизими, хусусан офицер кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришимиз лозим эди. Негаки мавжуд тизим талабларимизга, ҳарбий қурилиш борасидаги мақсадларимизга мос эмасди.

Шу сабабли 1993 йилдан барча олий ҳарбий ўқув муассасаларида офицер кадрлар тайёрлашнинг кўп соҳали тизимига ўтилди. Давр билан ҳамқадам ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштирдик. Янги-янги инновацион технологияларни соҳага жорий этдик, ҳарбий фаннинг илғор ютуқларидан фойдаландик. Истиқлол арафасида маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг бор-йўғи бир фоизини ҳам ташкил қилмасди. Юртбошимиз раҳбарлигида ҳарбий таълим тизимида олиб борилган изчил ислоҳотлар сабаб ҳарбий билим юртларимиз, улардаги факультет ва кафедралар сони ортди. Фахримиз, ифтихоримизга айланган Қуролли Кучлар академиясига асос солинди. Бугун комил ишонч билан ҳарбий таълим соҳасидаги ислоҳотларимиз самарасидан сўз очиш мумкин.

Ҳа, янги-янги информацион, инновацион технологияларнинг таълим жараёнига татбиқ этилиши миллий кадрларимизнинг интеллектуал даражасини ҳар томонлама ривожлантирмоқда. Сафларнинг баркамол миллий кадрлар билан бутланишини таъминламоқда. Умуман олганда, соҳадаги ислоҳотлардан кўзланган мақсадга – Ватанга муҳаббатли, садоқатли маънавий-ахлоқий етук, профессионал тайёргарликка эга офицер кадрларни тайёрлашга босқичма-босқич эришиб келяпмиз.

Ютуқларимиз қурол-яроғ ва маҳорат бобида, жанговар тайёргарликда, ақлий салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайдиган миллий армиямизни шакллантираётганимизда, дея фахр-ифтихор билан айтишга тўла ҳақлимиз. Бугун Ўзбекистон ўзининг ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, етарли даражада қуролланган, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини, юртимиздаги барқарорликни, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиясига эга, деб ғурур ва ифтихор билан айтиш учун барча асосларимиз бор.

Яхши биламиз, армиямизнинг жанговар кучи, қудратини, ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч – бу унинг сафларидаги мард ўғлонларимиздир. Табиийки, замонавий жанговар техника, қурол-аслаҳани моҳирона бошқариш, уларни миллий хавфсизлигимиз ҳимоясига тўла сафарбар этиш учун посбонларимизнинг ўзи юксак тайёргарликларга эга бўлмоғи керак. Айнан шундайин мақсадларимизга хизмат қилаётган янги-янги ҳарбийча анъана, таомилларнинг шаклланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мудофаа вазирининг буйруғи билан тасдиқланган, ислоҳотларимиз самараси бўлган таомил – шахсий таркибга қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани тантанали равишда топшириш таомили жойларда кўтаринки руҳда қарши олинди. Жумладан, янги ўқув йили бошланган шу кунларда шахсий таркибга қурол-аслаҳа, жанговар техника таъкидланаётган мана шу янгича анъанага мос равишда бириктирилмоқда.

Аввало шахсий таркиб билан ҳарбий техника ва қурол-яроғнинг моддий қисмларини ўрганиш бўйича машғулотлар ўтказилмоқда. Шахсий таркибга қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан муомала қилиш бўйича хавфсизлик қоидалари ўргатилаётир. Қурол-аслаҳанинг замонавий жангдаги ўрни ва моҳияти тушунтирилиб, ишониб топширилаётган бундайин моддий воситаларни мукаммал ўзлаштириб олиш, уларни Ватан ҳимояси учун доимо шай ҳолда сақлаш зарурлиги уқтирилянти.

Хуллас, бундайин янгиланиш, ўзгаришлар борасида, асосий ҳуқуқий пойдеворимиз – Конституциямиз сабаб шаклланаётган миллий армиямиз хусусида узоқ тўхталиш мумкин.

Фақат бир нарсани – минтақамизда ҳали-бери сақланиб қолаётган қалтис вазиятни, жаҳонда авж олаётган низо ва қарама-қаршиликлар, терроризм, экстремизм ва наркоагрессия хавфини унутмаслигимиз, бунинг учун эса мавжуд барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишимиз, ҳушёр ва огоҳ бўлишимизни давр биздан талаб қилаётганини такрор ва такрор англашимиз лозим.

Майор Алижон САФАРОВ.

23 ДЕКАБРЬ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

ЭРТАМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ва улкан сиёсий жараёнга қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Маълумки, 23 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунидир. Бу шунчаки кўплаб давлатларга хос катта расмий тадбир эмас. Бу мамлакатимиз келажаги учун овоз бериладиган муҳим воқеликдир. Мазкур кунга Ватан ҳимоячилари ҳам катта тайёргарлик кўриб келмоқдалар.

– Биз ҳарбий қисмда сайлов ҳақида қатор тушунтирув, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордик ва бу ишлар ҳамон давом этмоқда, – дейди тарбиячи офицер Зафаржон Абдуллаев. – Дастлаб мамлакатимизнинг Бош Қомуси ҳақида янада кенгроқ ва чуқурроқ хабардор қилиш учун ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун турли маърифий тадбирлар ташкил қилинди. Маълумки, ҳарбий хизматчиларнинг каттагина қисмини ёшлар ташкил қилади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими билан яқин ҳамкорлигимиз ёшлар билан ишлашда ижобий самаралар бермоқда. Ҳаракат етакчиси Жасурбек Қурбонов сайловнинг моҳият ва мақсадини ифодаловчи тадбирларнинг фаол ташкилотчиларидан бири.

Ҳарбий қисмда сайлов участкасининг жиҳозланишига ҳам катта эътибор қаратилган. Унда сайлов ва мамлакатимиз қонунларига доир турли адабиётлар, газета ва журналлар ва бошқа кўргазмали воситалар мавжуд. Мамлакатимиз телерадиоканалларида сайловга бағишланган махсус эшиттиришлар, ўзаро мулоқотлар, учрашувлар мунтазам бериб борилмоқда. Ана шундай чиқишларнинг ҳар бирини барча фуқароларимиз каби ҳарбий хизматчилар ҳам катта қизиқиш билан кузатиб бормоқдалар. Бу ҳақда оддий аскар Хушнуд Суяров шундай дейди:

– Сайлов ҳақидаги кўрсатув ва эшиттиришларни диққат билан кўриб, тинглаб боряпмиз. Булар ўз навбатида республикамиз ҳаётидаги улкан сиёсий воқеа ҳақида бизни янада чуқурроқ хабардор қилишга ҳисса қўшади.

– Биз ҳам ана шу сиёсий жараёнларга дахлдормиз, – дейди яна бир оддий аскар Одил Норқўзиев. – Сайлов тўғрисида тайёрланган тадбирларда барчамиз фаол қатнашишга интиламиз. Округ сайлов комиссиясининг аъзоси Бахтиёр Бакиев иштирокида бўлиб ўтган савол-жавоб кечаси ҳам ниҳоятда қизиқарли ўтди. Саволларнинг кўплиги юртимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараёнга ҳеч кимнинг бефарқ эмаслигини яққол кўрсатди.

Назокат ЗАКАРИЁЕВА.

ЮКСАК САВИЯДА ЎТАДИ

Республикамизнинг ҳамма жойларида бўлгани каби сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юксак савияда ўтказиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Энг аввало сайлов участкаси учун ажратилган хона зарур воситалар билан жиҳозланди. Унда компьютер, адабиётлар, газета ва журналларнинг янги сонлари, сиёсий партиялар ва номзодлар ҳақида маълумот берадиган кўргазмали воситалар мавжуд. Мазкур сайлов участкаси сайлов комиссиясининг раиси офицер Анвар Ҳакимов бўлиб, у олиб борилган ишлар юзасидан шундай маълумот беради:

– Шу кунга қадар «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунни ўрганишга бағишланган машғулотлар ўтказилиб келинмоқда. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида округ сайлов комиссиясидан масъул вакил-мутахассислар унда бевосита иштирок этдилар. Ва тингловчиларга мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини атрофлича етказиш мақсадида қизиқарли маърузалар қилдилар, ўзаро мулоқотлар уюштирдилар. Ўйлайманки, бу каби машғулотлар ўз самарасини бериб, сайловнинг уюшқоқлик ва юксак савияда ўтишини таъминлайди.

Бу ерда нафақат ҳарбий хизматчилар, балки уларнинг оила аъзолари ҳам таклиф қилинган ҳолда сайловолди тадбирлари ўтказилди. Ана шундай тадбир яқинда шаҳар ҳокимлигининг масъул ходими Машраб Тожиев иштирокида ўтказилди. У йиғилганларнинг кўпдан кўп саволларига жавоб берар экан, бу ерда олиб борилган, олиб борилаётган сайловолди ишларига юқори баҳо берди.

Г. ЗИКРИЛЛАЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАР БИР ФУҚАРОСИНИНГ БУРЧИДИР

Состязательность – залог успеха

ПЕРВЕНСТВА УДОСТОЕНЫ ПО ПРАВУ

Личный состав подразделения, где служит офицер Анвар Кенжаев, по праву является одним из лучших в наших Вооруженных Силах. Не случайно по итогам 2006–2007 учебного года они названы лучшими среди родственных подразделений, удостоившись переходящего приза Военной коллегии Министерства обороны Республики Узбекистан.

В ходе знакомства с подразделением, в первую очередь обращает на себя внимание хорошо поставленная работа по организации соперничества. Здесь оно наполнено реальным содержанием, прозрачность и сопоставимость результатов являются тем прочным фундаментом, на котором строится «здание» постоянного и стабильного роста боевой готовности. Среди командиров взводов на позиции непререкаемого лидера на сегодня закрепился офицер Алишер Хасанов, а в состязании командиров секций лидирует младший сержант Фарход Дармонкулов. Опыт и боевые навыки лидеров соревнования здесь активно передаются начинающим службу военнослужащим, традиции наставничества сильны и эффективны.

Одним из важнейших элементов успеха данного подразделения является хорошо поставленная воспитательная работа со всеми категориями военнослужащих и служащих Вооруженных Сил. Офицеру-воспитателю Олимжону Оккузиеву удается просто и доходчиво донести до командиров простую истину о том, что вчерашний солдат срочной службы, после подписания с ним контракта, не становится сразу военным профессионалом, с ним нужно вести кропотливую и каждодневную воспитательную работу. Не остаются вне поля зрения воспитателей и молодые офицеры, выпускники школ подготовки сержантов. Забота об их социальных проблемах, организация активной помощи на первом этапе профессионального становления становятся той вдохновляющей силой, которая ведет к успеху. Введены в строй современные спальные помещения, оборудованные комфортной мебелью, телевизорами, новая столовая.

– Забота командования побуждает нас еще более самоотверженно трудиться над повышением своего мастерства, – говорит младший сержант Гафур Муртазаев, являющийся одним из лучших специалистов этого подразделения. – Поэтому нашим ответом на эту заботу становятся хорошие и отличные оценки на занятиях и полевых выходах.

Еще одним немаловажным слагаемым успеха можно назвать активное участие военнослужащих передового подразделения в спортивных состязаниях как внутри части, так и на уровне военного округа. Например, младший сержант Обид Ахадов не только успешно выступил на окружном этапе конкурса на звание лучшего специалиста в номинации «Лучший сержант», но и добился высоких результатов на чемпионате войск Министерства обороны по многоборью военно-спортивного комплекса. Превосходные достижения в подтягивании на перекладине, беге на стометровку и три километра, метании гранат на точность – позволили военному профессионалу добыть в трудной борьбе право выступать в республиканском финале конкурса. Успешно выступили военные спортсмены и на первенствах округа по борьбе кураш, легкой атлетике, завоевав ряд призовых мест.

Именно такой комбинированный подход одновременного укрепления морально-волевых качеств и физической закалки стал, на наш взгляд, стержнем, позволившим воинам в нелегком соперничестве завоевать звание лучшего среди родственных подразделений.

В этом передовом подразделении всегда находятся на первом плане вопросы поддержания высокой бдительности и боевой настороженности. Строго выдерживается многоступенчатая схема подготовки караула. Неоднократные проверки несения службы караула офицерами вышестоящего штаба показывают отличную подгтовку личного состава. Здесь не наблюдается настроений благодушия и самоуспокоенности, ведь сложная военно-политическая обстановка в нашем регионе обязывает всегда быть во всеоружии.

В праздничном поздравлении защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова говорится о том, что **«важное мобилизующее значение в деле повышения уровня боевой подготовки, качества воспитательной работы военнослужащих имеет ежегодно проводимый и ставший традиционным конкурс на звание лучшего по профессии в номинациях «Лучший сержант», «Лучший командир группы», «Лучший командир взвода», «Лучший командир батальона».**

Главными целями всей этой работы являются создание в войсках атмосферы состязательности в поддержании высокого уровня боевой готовности и профессионализма, воинской дисциплины, развитие у военнослужащих лидерских качеств, формирование здоровой духовно-нравственной обстановки в воинских коллективах». Пример передового подразделения, о котором идет рассказ – яркое подтверждение успешного достижения указанных выше целей. В частности, уже упомянутые офицер А. Хасанов и младший сержант О. Ахадов в эти дни напряженно готовятся к республиканскому туру конкурса на звание лучшего специалиста по воинской профессии. К слову, офицер А. Хасанов уже добивался успеха в решающем туре конкурса, и нынче он вполне готов повторить свой успех.

Рядовые срочной службы Улугбек Маматов и Гуломжон Гозиев, как и их сослуживцы, призванные осенью в ряды Вооруженных Сил, проходят сейчас период адаптации. Они внимательно вслушиваются в каждое слово своих командиров и наставников, готовы перенимать опыт, чтобы уже в ближайшее время показывать в службе лучшие результаты.

– Недавно нам в торжественной обстановке перед строем всего личного состава вручили боевое оружие, – говорит рядовой У. Маматов, призванный из Ферганы. – А еще мы приняли участие в показе оружия и боевой техники, проведенном на полигоне. Вооружение и мощная разнообразная техника нашей армии произвели на нас сильное впечатление. С первых же занятий мы все больше убеждаемся в том, что пополнили ряды дружного и сплоченного коллектива, имеющего славные традиции. Мы приложим все усилия для того, чтобы переходящий приз Военной коллегии Министерства обороны получил у нас постоянную «прописку».

Если новые члены армейской семьи настроены так решительно, то чего говорить об остальном коллективе. По праву завоевав первенство, ощутив вкус победы, здесь упорно трудятся над тем, чтобы доказать закономерность успеха.

Майор А. НУРЛАНОВ.
Фото **Б. АБДУРАХИМОВА.**

Мавсум муваффақиятли бошланди

ЯНГИ ЮТУҚЛАР САРИ

Марказий ҳарбий округига қарашли қисм ва бўлинмаларда ҳам қишки мавсум ўқув машғулотлари кўтаринки руҳда бошланди. Ўтган ўқув йилида эришилган янги мавсумда янада юксак натижалар учун замин яратиши шубҳасиз. Шу боис дастлабки кунларданоқ қисм ва бўлинмаларда ўқув машғулотлари қизғин тус олган. Жумладан, офицер Абдуваҳоб Баҳодиров хизмат қилаётган қисм шахсий таркиби ҳам бу борада бошқалардан асло ортда қолмай, машғулотларга ҳар томонлама ҳозирлик кўришганини намойиш этмоқдалар.

– Янги ўқув йили бошланишидан аввал катта тайёргарликлар кўрилди, – дейди офицер Жасур Халилов. – Шахсий таркиб ўзларига бириктирилган ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни, моддий-ўқув базаси ва тегишли ҳужжатларни тўлиқ шай ҳолатга келтиришди. Ҳар бир ўқув мавсуми мазмун-моҳияти осойишталигимиз барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда ҳар қандай хавф-хатарга зарба бера олишга қодир бўлган профессионал посбонларни шакллантиришга қаратилган. Шу боисдан ҳам ушбу мавсумда барча посбонлар, айниқса, жанговар сафларга яқинда келиб қўшилган ёш аскарларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш, уларнинг бу борада мукаммал назарий ва амалий билимга эга бўлишлари учун замин яратишимиз зарур. Бу бизнинг олдимизда турган энг масъулиятли вазифалардан биридир. Чунки жанговар шайлик, вазиятнинг ҳар қандай шароитида тегишли тадбирларни қўллай олишга тайёр туриш, шунингдек, ҳар бир топшириқни талаб даражасида уддалаш учун посбондан юксак тайёргарлик, бир сўз билан айтганда, профессионал маҳорат талаб қилинади.

Қисмда қизғин жанговар ҳаёт, кун тартибидаги тайёргарлик машғулотлари бошланиб кетган. Жумладан, шартнома бўйича хизмат сержантлари ва муддатли хизмат оддий аскарлари таркиби учун ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича «Минтақа ва жаҳонда ҳукм сураётган ҳарбий-сиёсий вазият, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига таҳдидлар. Ҳарбий қисм ва бўлинмалар ҳушёрлиги ва жанговар шайлигини ошириш борасида шахсий таркиб олдига қўйилган вазифалар» номли мавзуда машғулот ўтказилди. Шу билан бирга хизмат чоғида техника хавфсизлигига риоя қилиш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

– Армия сафларида хизматни бошлаганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, – дейди муддатли хизмат оддий аскари Ғолиб Рашидов. – Шу боис янги ўқув мавсумини катта қизиқиш билан қарши олдим. Мазкур ўқув мавсумида ҳарбий тайёргарлик бўйича зарур янги билим ва кўникмага эга бўлишга ҳаракат қиламан. Чунки эр йигит учун Ватан тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш энг катта масъулиятли ва муқаддас вазифадир. Шундай экан, бу мавсумда ғайрат ва шижоат кўрсатиб, илғор аскарлар қаторидан жой олишга сўз бераман.

Майор Шавкатжон ҲОШИМОВ.

ИЛК МАШҒУЛОТЛАР

Мудофаа вазирлигининг барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларида бўлгани сингари алоқачилар жамоасида ҳам янги ўқув йили бошланиши муносабати билан митинг бўлиб ўтди.

Тантанали тадбир давомида масъул офицерлар Ўктам Аҳмедов ва Мавлонжон Юнусов, ҳарбий хизматчилар – Шуҳрат Арслонов, Бобомурод Мирзаев, Музаффар Мадалиевлар минбарга кўтарилиб, майдонда саф тортган юрт посбонларини самимий қутладилар ва хизматларида омадлар тиладилар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳарбий қисмда ҳам ўтган ўқув йилини муваффақиятли якунлаб, командирлари мақтовига сазовор бўлган Ватан ҳимоячилари талайгина. Офицер Қобилжон Иброҳимжонов, сержант Ҳусанбек Раҳматов, оддий аскарлар Анвар Ҳамроев ва Фарруҳ Жумаевлар шулар жумласидан бўлиб, илғор посбонлар келгусида ҳам ғайрат, шижоат билан хизмат қилишни, янги-янги марраларни забт этишни мақсад қилганлар.

Қишки ўқув мавсуми машғулотлари ижтимоий-сиёсий тайёргарлик билан бошланди.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

Вести из подразделений

УКРЕПЛЯЯ БОЕГОТОВНОСТЬ

Первые дни нового учебного года в подразделении, где служит старший лейтенант А. Шерзодов, начались с отработки действий личного состава по сигналам боевой готовности. Военнослужащие сразу проявили высокий настрой на неустанное совершенствование своей выучки.

– Взвод – подъем! Тревога! – прозвучала команда дежурного по подразделению младшего сержанта Ш. Бурибекова.

В мгновение ока все пришло в движение. И пока младший командир докладывал в установленном порядке дежурному по части, личный состав уже действовал в соответствии с боевым расчетом.

Без излишней суеты расположение покинули посыльные для оповещения офицеров и сержантов. Вслед за ними получили оружие, снаряжение и их сослуживцы, убыв к месту построения подразделения, где им предстояло выполнять последующие задачи.

А тем временем водители уже направлялись в парк боевых машин, где под руководством младшего сержанта Б. Гиясова, должны были оперативно подготовить технику к выезду.

К чести водителей ни одна машина не дала сбоя. Двигатели взревели с первых же попыток запуска. И зимние холода не сумели разладить четкий ритм работы настоящих профессионалов.

Когда все было готово к выходу в заданный район, старший лейтенант А.Шерзодов остановил занятие. Начался детальный разбор первого этапа учебно-боевой работы личного состава. Каждое действие подопечных было проанализировано с точки зрения реальной боевой обстановки...

В лучшую сторону были отмечены четкие и грамотные действия дежурного по подразделению младшего сержанта Ш. Бурибекова и младшего сержанта Б. Гиясова. Порадовали своим старательным отношением к делу подчиненные младшего сержанта К. Бекмурадова – рядовые Т. Мусурмонов и Т. Алимухаммедов, которые уверенно ориентировались в сложной обстановке и были примером для сослуживцев.

Конечно же, не обошлось и без отдельных недостатков. Их разбору старший лейтенант А. Шерзодов придал первостепенное значение. А затем личный состав подразделения продолжил занятие.

Темп боевой учебы взят высокий, настрой очень серьезный. Верится, что воины не снизят его, а наоборот, с каждым днем будут наращивать усилия для выполнения поставленных задач, тем самым укрепляя боеготовность Вооруженных Сил страны.

Капитан Фаррух ДОСУМХОДЖАЕВ.

«Энг илғор мутахассис» танлови

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА ОШМОҚДА

Маълумки, жанговар шайликни оширишда ҳарбий хизматчиларнинг юксак маҳорати, малакаси, тажрибаси ҳамда ҳарб илми бўйича эгаллаган билимлари муҳим аҳамиятга эга. Қуролли Кучлар бўйича ташкил этилган, анъанага айланиб улгурган «Энг илғор мутахассис» танлови ҳам ҳарбийларимизнинг ҳар томонлама профессионаллашувида катта ўрин тутмоқда.

Ушбу танловдан кўзланган асосий мақсад Қуролли Кучларимиз жанговар қудратини, посбонлар ҳарбий маҳоратини оширишдан иборатдир.

Шу кунларда барча округларда танловнинг иккинчи босқичи ўз ниҳоясига етиб, ғолиблар республика босқичига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Жумладан, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округида танлов юқори савияда ўтказилиб, барча номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

– Танловнинг биринчи босқичи ҳарбий қисм ва гарнизонларда ўтказилиб, унда ғолибликни қўлга киритган посбонлар округ миқёсида бўлиб ўтган иккинчи босқичда ўз маҳоратларини намойиш қилишди, – дейди офицер Ботир Аҳмаджонов. – Танлов қизғин курашлар остида ўтди. Чунки посбонларнинг барчаси ўз соҳалари бўйича етук мутахассисдирлар. Уларнинг ҳаракатларига, тезкорлиги ва билимдонлигига қараб, фахрим, ғурурим ҳис қилсан, киши. Ҳа, бизнинг посбонларимиз маҳоратда, билимда ҳеч кимдан кам эмас, мен танлов давомида шунга тўлиқ амин бўлдим.

Танлов иштирокчилари шахсий таркиб билан ишлаш, жисмоний тайёргарлик, отиш, тактик машғулотлар, Умумҳарбий низомлар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ҳамда мутахассисликлари бўйича тест ва амалий синовлардан муваффақиятли ўтишиб, илғорлар сафидан жой олишга ҳаракат қилишди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра «Энг илғор батальон командири» номинациясида биринчи ўрин офицер Музаффар Нажмиддиновга насиб этди. Иккинчи ўринни эса офицер Қудрат Раҳимов қўлга киритди.

«Энг илғор взвод командири» номинациясида эса офицерлар – Элёр Дўсматов ҳамда Бекзод Сулаймоновлар биринчи ва иккинчи ўринларни забт этишди. «Энг илғор гуруҳ командири» номинациясида ғолибликни офицерлар – Шавкат Туйчиев (1-ўрин) ва Достон Эгамбоев (2-ўрин)лар эгаллашди.

– Эришаётган муваффақиятларимда аҳил ҳарбий жамоамизнинг ҳиссаси катта, – дейди офицер Б.Сулаймонов. – Ушбу танлов мени ўз соҳам ва мутахассислигим бўйича қай даражада билимга, маҳоратга эга эканлигимни кўрсатиб берди.

«Энг илғор сержант» номинациясида кичик сержант Қаҳрамон Худойқулов биринчи ўринга муносиб деб топилди. Шунингдек, кичик сержант Камолиддин Алиқулов 2- ўринга лойиқ топилиб, касбий маҳорат бобида нималарга қодир эканлигини намойиш қилди.

Ҳа, профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз сафлари ҳар томонлама етук, ўз соҳасининг асл билимдони бўлган, ҳақиқий ватанпарвар, шарафли ва масъулиятли касбни ўз ҳаётларининг мазмуни деб билган Ватан ҳимоячилари билан тўлиб бормоқда. Шуни фахр билан таъкидлаш лозимки, мазкур танлов юрт ҳимоячиларининг юксак ҳарбий, касбий маҳоратга, мустаҳкам иродага, ўз халқига, Ватанига садоқатли ва матонатли посбон бўлишдек олижаноб туйғуга эга бўлишларида муҳим омил бўлиб келмоқда.

А. НОЗИМОВ.

Қишки ўқув мавсуми машғулотлари

МАҚСАД САРИ ИНТИЛАР ПОСБОН

Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва бўлинмаларда янги ўқув йили машғулотлари кўтаринки руҳда бошланди. Айниқса, сафларга яқинда қўшилган ёш аскарлар учун бу давр ўта масъулиятли ҳисобланади.

Маълумки, 2007-2008 ўқув йили **«Ҳарбий ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлиш, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини, Ватан сарҳадларининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, ҳарбий техника ва қурол-яроғлардан самарали фойдаланиш борасидаги кўникмалар ва касбий билимларни такомиллаштириб бориш, ҳарбий техник мулкни асраш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи»** шиори остида ўтмоқда. Ушбу шиор ҳар бир посбон қалбида мардлик, шижоат, жасорат ва она юртга муҳаббат каби туйғуларнинг янада жўш уришида муҳим омил бўлиши шубҳасиз, албатта.

Шу кунларда ўтказилаётган машғулотлар ёш аскарларнинг илк ҳарбий кўникмаларини шакллантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Ўқув мавсумининг илк машғулотлари ҳам бошланди. Посбонларнинг «тревога» буйруғи янграганда қандай ҳаракат қилиши кераклиги командирлар томонидан баҳоланиб, бир неча бор синов машғулотлари ўтказилди. Оддий аскар Зуҳриддин Жўрабоевнинг ҳаракатларини кузатар эканмиз, унинг ўз вазифасини қанчалик тўғри ва сидқидилдан бажараётганига гувоҳ бўлдик. У буйруқни эшитгани заҳоти ўрнидан туриб дарҳол ҳарбий либосларини кийди ва ўрнини тезкорлик билан йиғиштириб, белгиланган ҳудудни маскировка қилишга улгурди. Шундан сўнг, ўзига бириктирилган қуролни олиш учун қурол-аслаҳа сақлаш хонасига етиб келди ҳамда навбатчига унвони ва исм-фамилиясини айтиб, қайд қилиш дафтарига имзо чекди. Елкасига қуроли, сафар қопини ва оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя воситасини илиб, қисм қурол-аслаҳа сақлаш омбори томон югуриб кетди. Постда турган соқчига қўшимча ёрдам кучи сифатида етиб келгач, диққат-эътиборини постни ҳимоя қилишга қаратди ва ўз вақтида командирига белгиланган ҳудудни ҳимоя қилишга киришганлиги ҳақида алоқа воситаси орқали ахборот берди. Посбоннинг тревога вақтида қилган тез ва аниқ ҳаракатлари командирлар томонидан юқори баҳоланди.

– Йиғин давомида ёш аскарларга ҳарбий билимларни турли кўргазмали қуроллар ва адабиётлар асосида етказган бўлсак, – дейди офицер Зафар Абдуллаев, – энди улар ҳар бир машғулотни амалда, яъни дала шароитида ўтказмоқдалар. Асосий эътиборни ҳам яқинда сафларга қўшилган аскарларни ҳарбий ҳаётга кўниктириш, соҳа билимларини пухта ва чуқур ўзлаштиришларига ёрдам бериш, улар қалбида юртга садоқат, ватанпарварлик каби туйғуларни шакллантиришга қаратаяпмиз.

Армия ёшларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Бунга уларнинг ўзлари билан суҳбатлашганимизда яна бир бор амин бўлдик.

Оддий аскар Лазиз Салимов: – Посбон бўлиб, эл-юрт корига камарбаста бўлаётганимдан, Ватанимиз тинчлигига ҳисса қўшаётганимдан ғоят мамнунман. Ҳарбий ҳаётга анча кўникиб қолдим. Ўзимга билдирилган ишончни оқлашга, Ватанимга муносиб посбон бўлишга ҳаракат қиламан.

Оддий аскар Эргаш Назаров: – Хизматимни муваффақиятли якунлаб, ҳарбий билим юртига ўқишга кирмоқчиман. Бу ерда олаётган ва ўрганаётган билимларим, насиб этса, курсантлик давримда жуда асқотиши турган гап. Шунинг учун ҳар бир дарсга, машғулотга диққат-эътибор қилиб, ҳарбий соҳа билимларини мукаммал ўзлаштиришга бел боғлаганман.

Дарҳақиқат, посбонлардаги ғайрат ва шижоат, интилувчанлик туйғуларининг юксаклиги исботини топиб турибди. Улар хизматларини намунали ўтаб, келажакдаги эзгу мақсадларига етишишларига ишончимиз комил.

А. ШУКУРУЛЛАЕВ.

С ХОРОШИМ НАСТРОЕМ

Новый учебный год в частях и подразделениях повсеместно начался с занятий по общественно-политической подготовке и доведения до личного состава мер безопасности. В их проведении приняли участие – командиры частей и начальники учреждений.

На высоком идейном и организационном уровне провели занятия с группами рядового состава капитаны Тилло Мадиев и Сухроб Юлдашев. Высокая нравственная закалка военнослужащих, понимание ими стоящих перед обществом, Вооруженными Силами и своим подразделением задач, сути проводимых в стране и армии реформ – залог добросовестного отношения к выполнению своего воинского долга, ревностного отношения к боевой учебе и повышению профессионального мастерства.

На первых занятиях отличилось немало военнослужащих. Среди воинов-профессионалов похвалу командиров заслужили младшие сержанты Шухрат Бозоров и Тенгилбай Хакимов. Настоящие лидеры своих воинских коллективов, они личным примером показывали подчиненным образец отношения к боевой учебе, умело руководили их действиями.

Рядовые срочной службы Бекзод Гафаров и Гайрат Уринов тоже старались не отстать от более опытных сослуживцев, и наглядно показали, что сегодня в армию приходят по-настоящему хорошо подготовленные, физически развитые юноши, настроенные на отличную службу. Потому можно смело утверждать, что личный состав частей и подразделений встречает День Конституции с хорошим моральным настроем и высокими показателями в боевой учебе, что не может не радовать.

Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА

Ҳарбий қасамёд

КЎНГИЛЛАРДА ФАХР ТУЙҒУСИ

Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар хусусида гап кетганда, сафарбарлик чақируви резервидаги (СЧР) хизмат ҳам алоҳида тилга олинади. Бугун шуни таъкидлаб айтиш мумкинки, сафларига кўплаб йигитларни жалб қилган бу янги хизмат тури ўзига хослиги билан кўпчилик юртдошларимизга маъқул келмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳридан сафарбарлик чақируви резервига (СЧР) чақирилган йигитларнинг тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Эрта тонгдан ҳарбий қисм ҳудуди юзларида шодлик, қувонч, қалбларида фахр туйғуси жўш уриб турган ота-оналар, меҳмонлар билан гавжум бўлди.

Шу ўринда йигитларнинг бир ой давомида ҳарб илмидан олган сабоқларига тўхталиб ўтсак. Йиғин иштирокчилари бу ерда барча тайёргарликлар бўйича машғулотларда фаол иштирок этишиб, ҳарбий соҳа сирасрорларини ўзлаштиришди. Уларга кўп йиллик тажриба ва малакага эга бўлган офицер ҳамда кичик командирлар ҳарб илмини назарий ва амалий машғулотлар асосида олиб боришди. Кўргазмали қуроллар, компьютерлар билан жиҳозланган ўқув хоналари, замонавий спорт зали ва майдончаси, турли илмий, бадиий, ҳарбий адабиётларга бой кутубхона улар ихтиёрида бўлди.

Ҳа, дарҳақиқат, бугун Президентига, халқига, юртига содиқ бўлишга қасамёд қилаётган йигитларнинг ўт чақнаб турган кўзлари, шахдам ташланган қадамлари, мағрур кўтарилган бошлари, юзларидаги қувончи уларнинг хизматдан мамнун эканликларини исботлаб турибди.

Йиғин иштирокчиси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бакалаври Элёр Нишоновнинг ҳам юрак-юрагидан отилиб чиқмоқда Ҳарбий қасамёд сўзлари:

– Мен хизматим давомида кўп нарсани ўргандим ва англадим, – дейди у. – Беш йил давомида олий ўқув юртида ўқиб, ўз мутахассислигим бўйича билим ва тажрибага эга бўлдим. Мазкур хизмат келажак ҳаётимда, жамиятда ўз муносиб ўрнимни топиб олишимда кенг имконият бўлди. Ойлик йиғин мобайнида Ватан тушунчаси, ота-она қадри, фидойилик каби туйғуларни янада теранроқ қалбимга сингдирдим. Аждодларимиз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур сингари мард ва жасур, ҳақиқий ватанпарвар бўлиб, юртим тинчлиги йўлида хизмат қилишга, унинг равнақига ҳисса қўшишга доимо тайёрман.

Сафдошлари номидан сўзга чиққан йиғин иштирокчиси Анвар Қаюмов йиғин давомида таълим-тарбия берган устозларига чексиз миннатдорчилик билдириб, келажак ҳаётида ушбу хизмат катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, йиғин иштирокчиси Дилмурод Хабировнинг онаси Тафиқа опа ва Аҳрор Абдухолиқовнинг отаси Абдували акалар ҳам сўз олиб, ислоҳотлар меваси бўлган янги хизмат туридан, фарзандларига яратилаётган шарт-шароитлардан мамнун эканликларини айтишди.

Ҳарбий қасамёд қабул қилганларни масъул офицерлар – Муҳиддин Қодиров, Бахтиёр Маҳмудов, Бойқобил Узоқов, Алишер Агзамов, ота-оналар, меҳмонлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан Бектемир тумани «Нуроний» жамғармаси раиси Олимжон Дадабоев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакили Воҳид Каримов, «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Мусажон Сапаровлар самимий муборакбод этишиб, уларнинг жамиятимизда ўзларининг муносиб ўринларини топиб олишларига ишонч билдиришди.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ БУРЧ

Миллий армиямизда хизмат қилиш бугунги кунда ёшларимизнинг эзгу орзусига айланиб улгурди. Эр йигитнинг ҳар томонлама баркамол шахс сифатида камол топишида, ҳам маънан, ҳам жисмонан юксалишида армия муҳим ўрин тутади.

Шу боис ҳам армия сафларида хизмат қилишга бел боғлаган ўғлонларимиз сафи йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида туғилган Шерзоджон ҳам ёшликдан ҳарбийликка кучли ҳавас қўйган йигитлардан. Мактабни битириб Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультетига ҳужжатларини топширди. Бироқ ўқишга кириш насиб этмади. Иродали йигит бундан тушкунликка тушмади муддатли ҳарбий хизматни ўташга жўнади. Ўз олдига хизматни аъло даражада ўтаб, ҳар томонлама тобланиб, чиниқиб, билимларини бойитиб, сўнгра ҳарбий билим юртига ўқишга киришни мақсад қилиб қўйди. Мана, хизматини бошлаганига ҳам анчагина вақт бўлиб қолди.

– Армия сафида хизмат қилиш, юрт тинчлиги ва осойишталигига камарбаста бўлишдек муқаддас вазифани бажараётганимдан мамнунман, – дейди оддий аскар Шерзод Мамажонов. – Ҳарбийликка ёшлигимдан ҳавас қўйганман. Кейинчалик акам Муроднинг шартнома асосида хизматга қолиши бу ҳавасни янада алангалатди. Хизматим мобайнида кўп нарсаларни ўрганаяпман. Жумладан, ҳарбий соҳа сир-асрорларини малакали офицер ва сержантлардан мукаммал эгаллашга ҳаракат қилаяпман. Ҳарбий қасамёд қабул қилган кунимда отам келгандилар, уларнинг юзларидаги хурсандчилигу, кўзларидаги қувончни кўриб, ғайратимга ғайрат қўшилди. Муддатли ҳарбий хизматни ёруғ юз ила ўтаб, ўз олдимга қўйган мақсадим сари олға интилмоқчиман.

Шерзод билан бўлган суҳбатимиз давомида унинг Конституциямиз қабул қилинган кунда туғилганини билиб олдик. Ҳа, ўз йигитлик ва конституциявий бурчини шараф билан ўташга бел боғлаган бу азамат ва қатъиятли йигитнинг эзгу мақсади амалга ошишига асло шубҳамиз йўқ.

А. НУРБЕКОВ.

Внимание: юбилей!

К ВЫПУСКНИКАМ ТАШКЕНТСКОГО ВОКУ

Уважаемые читатели газеты «Ватанпарвар»!

12 июля 2008 года исполняется 90 лет со дня образования Ташкентского высшего общевойскового командного училища – старейшего высшего военно-образовательного учреждения Республики Узбекистан.

Из стен Ташкентского училища вышли сотни известных командиров и начальников, квалифицированных специалистов, преданных Родине офицеров. Подготовка к этому событию уже началась и включает в себя обновление экспонатов музея училища и создание монографии по истории ТВОКУ.

В связи с этим командование Ташкентского ВОКУ обращается к вам, уважаемые читатели, с просьбой помочь в этом важном деле. Мы просим откликнуться выпускников, бывших командиров, преподавателей училища. Одним словом, всех тех, чья судьба была связана с Ташкентским ВОКУ, и направить в адрес училища копии материалов (фотографии, публикации, воспоминания, личные вещи и так далее), которые могут быть использованы при подготовке монографии о создании и деятельности училища на протяжении всех этих лет, а также для пополнения и обновления экспонатов музея ТВОКУ.

Наш адрес: 100023, город Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Паркентская 2, ТВОКУ, отдел воспитательной работы.

Ислоҳотлар самараси

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Бугун Президентимиз раҳбарлигида барча соҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучларни ислоҳ этиш борасида ҳам муҳим ишлар қилинмоқда. Жумладан, армияни такомиллаштириш, қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш баробарида посбонларнинг жанговар маҳорати ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, таълим-тарбияни тубдан яхшилашга қаратилган узоқни кўзланган тадбирлар ҳам ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар сирасидан саналади.

Таълим ва тарбия барча замонларда ҳам ҳаёт-мамот масаласи бўлиб келган. Шу асосда бугун олий ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларида таълимнинг такомиллаштирилган усули амалга татбиқ этилиб, курсантларга чуқурлаштирилган билимлар берилмоқда. Малакали офицер ҳамда ўқитувчилар курсантларга соҳа сирларини мукаммал ўргатишмоқда. Билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари кутубхоналари янги-янги адабиётлар билан бойитилмоқда. Шунингдек, бундай даргоҳларнинг ўқув-моддий базасини кенгайтириш, янги, замонавий техник воситалар билан тўлиқ таъминлаш ва янгича технологияларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

«Мустақиллик йилларида барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини таъминлаш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Бу эса Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириш имконини бермоқда», – деган эди Президентимиз Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, билим юртлари ҳузурида ташкил этилган офицер кадрларнинг малака ошириш курслари ва истиқлол мевaси бўлган Қуролли Кучлар Академиясида таҳсил олган посбонлар етакчилари ҳарб илмидан пухта тайёргарликка эга эканликларини ва ҳеч кимдан кам эмасликларини ҳар тарафлама амалда исботлашаяпти. Таҳсил ва машғулотлар давомида янги-янги билимлар ўзлаштирилмоқда. Ўз навбатида уларнинг эгаллаган билимларини ўз қўл остидагиларга ҳам ўргатишаётгани, бундан кўпчилик баҳраманд бўлаётгани эса янада қувончлидир.

Яқинда соҳани ривожлантиришга қаратилган эзгу тадбирларнинг узвий давоми сифатида яна бир муҳим ишга қўл урилди. Яъни Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳузурида Мудофаа вазирлиги услубий маркази – ўқитувчилар малакасини ошириш курси ташкил этилди. Мудофаа вазирининг тегишли буйруғи асосида ташкил этилган ушбу курсда олий ҳарбий билим юртлари ҳамда сержантлар тайёрлаш мактаблари ўқитувчи офицерлар таркиби малака оширадилар.

– Олий ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари ўқитувчи офицерлари мазкур курсда бўлажак соҳа мутахассисларига дарс бериш услубларини, шунингдек, ҳарбий педагогика, ҳарбий психология, замонавий инновацион технология воситалари кабиларни ўрганадилар, – дейди офицер Рустам Қосимов. – Машғулотларга ҳарбий ва Қуролли Кучлар хизматчиларидан иборат етук мутахассислар жалб этилган. Шунингдек, бошқа олий ўқув юртлари билан ҳам мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Мақсад, касбий маҳоратнинг профессионал асосда ўсишини таъминлаш, ўқитувчи офицерларнинг билимларини ҳар томонлама оширишдир.

Дарвоқеа, олий ҳарбий билим юртларида таҳсил олаётган курсантларга – эртанги офицерлар, профессионал асосга ўтаётган миллий армиямизнинг келажак таянчлари, энг асосийси, истиқлол ва осойишталик ҳимоячилари дея қараймиз. Сержантлар тайёрлаш мактаблари эса Қуролли Кучларимиз сафларига юксак малакали кичик командирлар, яъни профессионал посбонлар тайёрлаб бераётган билим масканларидан саналади. Уларни ҳар томонлама етук, ўз касбининг билимдони қилиб тарбиялашда фидойи ўқитувчиларнинг хизматлари катта, албатта. Зеро, олиму уламо, фозилу фузало, саркарда-ю, давлат арбоблари ва барча буюк шахслар ҳам аввало, муаллим ва мураббийлардан тарбия олишади-да! Шу боисдан ҳам офицер ва сержантларнинг чинакам профессионал, илм-фан сирларини ҳар томонлама мукаммал эгаллаган бўлишида фидойи устозлар хизматининг ўрни юксак, деб бемалол айта оламиз. Етук малакали офицер ёки сержант – устозлар меҳнатининг меваси! Ҳа, устозлар йўл-йўриғи воситасида билим юртларида курсантлар ва тингловчиларнинг интеллектуал салоҳияти юксалаяпти, чинакам профессионал командирлар шаклланаяпти. Услубий марказни ташкил этишдан кўзланган мақсад эса ана шундай саъй-ҳаракатлар бардавом ва янада мукаммалроқ натижа касб этишини таъминлашдир, десак янглишмаймиз. Марказнинг ўзига хос томонларидан яна бири, унда бевосита машғулот ўтиш услубидан ташқари жанговар-тактик, қурол-яроғ ҳамда техникавий илмларни ўрганиш ва ўргатиш борасида ҳам малака оширилади. Тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори, иқтисод фанлари доктори Ҳасан Абулқосимов, офицерлар – Расул Насуллаев, Нурхон Бекмирзаев, Чори Насриддинов, Рустам Таркулов, Қуролли Кучлар хизматчилари педагогика фанлари номзоди доцент Азим Сотиболдиев, доцент Адолат Яҳёева, доцент Валерий Клюшников, Владимир Степницкий каби малакали мутахассислар дарс берадилар.

– Вақт ўтган сайин барча соҳада янгиланиш ва ўзгаришлар кузатиб борилади, – дейди курс тингловчиси офицер Шуҳрат Усмонов. – Шу боис киши тинмай ўз устида ишлаб, мудом билим ва малакасини ошириб бориши керак. Бу ҳолат ўқитувчилик касбида айниқса, муҳим жиҳат саналади. Ана шу талабларни эътиборга оладиган бўлсак, услубий марказ, яъни малака ошириш курсининг ташкил этилгани ғоят ўринлидир.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Камолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

«Лучший учитель года»

УРОКИ МУЖЕСТВА И ПАТРИОТИЗМА

Минувший год стал «звездным часом» для преподавателя начальной допризывной подготовки школы № 257 города Ташкента подполковника резерва Адыла Юлдашева. Завоевав звание «Лучший учитель года», он доказал, что настоящий офицер и на должности школьного учителя способен показать образец организованности, творческого подхода к делу, образцово обучать и воспитывать новое поколение настоящих патриотов, достойных защитников независимого Узбекистана.

«Защита Республики Узбекистан – долг каждого гражданина Республики Узбекистан», записано в статье 52 Конституции нашей страны. Проводимая в наших Вооруженных Силах военная реформа, принципиально изменила облик, суть, содержание и боевые возможности нашей армии.

9.00 «Якшанба нонуштаси».
9.20 «Сеними, шошмай тур!» Мультфильм.
9.30 «Болалар давраси».
10.00 «Ватанпарвар».
10.50 «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг!» Кинокомедия.
13.20 «Style.uz».
13.40 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
14.00 «Алия».
14.40 «Тараннум».
15.20 «Чемпион сирлари».
15.40 «Ринг қироллари».
16.20 «Journal» (инглиз тилида).
16.40 «Мулки мумтоз».
16.55 «Ажойиботлар хазинаси».
17.00 «Бойўғли қичқириғи». Фильм-эртак.
18.30 «О, ёшлигим...»
18.35 «Ёшлик наволари».
18.55 «Yoshlar» анкетаси.
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «Рўзгор мактаби».
20.00 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
20.20 «Сайлов-2007».
20.40 «Бу азиз Ватан — барчамизники!»
20.45 «АКС». Ток-шоу.
21.25 «Эълонлар».
21.30 «Kinomaniya».
22.00 Жаҳон киноси: «Сеники, меники, бизники».
23.30 «Тунги парвоз».
00.00 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Тв юрист».
9.45 «Интервью».
10.00 Кино: «Золушка учун уч ёнғоқ».
11.30 «Мулоҳаза учун мавзу».
12.00 «Истеъдод».
12.45 «Милагрос». Телесериал.
13.20, 21.10 «Мысли вслух».
13.25 Кино: «Брачное свидетельство».
14.55 «Дорихона эшитади» (рус.).
15.40, 20.00 «Телекурьер-маркет».
16.00 Мультфильм «101 долматинец-2».
17.20 «Жозиба».
17.45 «Саргузаштлар ороли».
18.10 Кино: «Сен ухлаётганингда».
20.25 «Шунақа гаплар».
20.40 «Туризм ҳақида» (рус.).
21.20 Кино SMS со звездами.

СПОРТ

8.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
8.20 «Кувноқ стартлар».
9.00 «Бодрое утро».
10.00 «Хабарлар» (рус тилида).
10.20 «Рақибингиз — гроссмейстер».
10.35 «Пока все дома».
11.25 «Фазенда».
12.00 Футбол. Клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати. 3-ўрин учун.
13.55 «Аптека слушает».
14.40 ПрофРИНГ.
15.25 Футбол. Клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати. Финал. Танаффусда «Жаҳон спорти юлдузлари».
17.25 Мультфильм.
17.35 Мусиқий тайм.
17.55 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
18.25 Еврофутбол. Англия чемпионати. «Ливерпуль» — «Манчестер Юнайтед». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.25 «Спорт уик-энд».
21.05 «Тайм-аут».
21.30 «Талқин».
22.00 «Ледниковый период».

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

СКАНВОРД

ГАЗЕТАНИНГ 48-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Ўн. Кодекс. Нам. Сенат. Ёрон. Барно. Суд. Ов. Умидвор. Қор. Газли. Ягона. Як. Купе. Олот. Рамазон. Кино. Банк. Лок. Волейбол. Ду. Уч. Ҳаё. Узоқ. Ғоз. Па. Орлеан. Зар. Пискент.

БЎЙИГА: Ар. Китоб. Номзод. «Наво». Иқрор. Ваза. Дунё. Ракетка. Зум. Ангола. Кобо. Улан. Сурия. Динго. Япон. Финал. Курканак. Ол. Уйғун. Ёл. Боз. Оҳу. Овчарка. Етти. Озода. Қурут. Ип.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚАДРИЯТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” , “БМТ низоми” ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари дунёда инсоният ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати бўлиб ҳисобланади. Конституциямиз ҳам умумбашарий қадриятлар ва умуминсоният тажрибасини ўзида мужассам этган халқаро ҳуқуқий меъёрларга асосланиб қабул қилинган. Шунинг учун ҳам, унинг муқаддимасидаёқ “Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олиниши” баён қилинган, 17-моддада эса ушбу қоидалар бевосита ўз ифодасини топган.

Асосий қонунимиз “ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб қабул қилинганлиги ”, миллий қадриятлар унинг негизини ташкил этиши халқимиз буюк тарихга эга эканлиги ва муқаддас тарихий тажриба миллий давлатчилик қадрияти сифатида Конституциямиз замирига сингиб кетганидан далолат беради.

Ўзбеклар азалдан меҳмондўст, бағрикенг халқ. Тарихимизга ҳам назар соладиган бўлсак, халқимизнинг бошқа миллатлар ва элатлар билан тинч-тотув ва дўстона яшашга интилганликларини кўришимиз мумкин. Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврида ҳам бошқа мамлакат элчилари катта тантаналар билан кутиб олинганлиги, ҳурмат, эъзоз қилинганлиги халқимизнинг меҳмондўстлигидан далолат беради. Бу ҳақда ўша даврдаги Испания элчиси Руи Гонзалес де Клавихо ҳам ўзининг эсдаликларида ёзиб қолдирган. Халқимизнинг меҳмондўстлик фазилати Конституциямизнинг 4-моддасида бевосита ўз аксини топган: “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.” Ушбу моддада нафақат халқимизнинг меҳмондўстлик фазилати, балки бағрикенглик, инсонийлик каби қадриятлари ҳам мужассам.

Ўзингизга маълум, халқимиз қадимқадимдан каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш, кексаларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, ногиронларга, муҳтожларга ёрдам бериш, етим-есирларга меҳр ва мурувват кўрсатиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш каби анъаналарга риоя қилиб келади ва булар миллий қадриятларимизнинг асосини ташкил этади. Мана шу миллий қадриятларимиз конституциявий даражада мустаҳкамланган ва қадрият даражасига кўтарилган. Мисол қилиб, Конституциямизнинг 39-моддасини келтиришимиз мумкин: “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.”

Конституциямиздаги ушбу моддалар асосида кўплаб қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенция таъминоти тўғрисида ” ги қонун, “Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, “2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Халқимиз учун оила азалдан муқаддас маскан саналиб келинган. Оила билан боғлиқ миллий қадриятларимиз қомусимизнинг XIV боби , 63,64,65,66-моддаларида конституциявий даражада мустаҳкамланганлиги бунинг яққол далилидир.

Жумладан, 63-моддада “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”, деб баён этилган. Дарҳақиқат, оила жамиятнинг негизини, асосини ташкил этади. Жамиятнинг равнақи, келажаги ҳам, шубҳасиз оилаларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мамлакатимизда оилаларга катта эътибор берилмоқда. Президентимизнинг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳам мамлакатимизда оилага катта эътибор берилаётганига яққол мисолдир.

64-моддада “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар” деб белгилаб қўйилган. 66-моддада эса бунинг акси ўз ифодасини топган, яъни “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”.

Ушбу моддалар замирида халқимизнинг ота-онанинг фарзанди олдидаги масъулияти ва фарзандларнинг ҳам ота-она олдидаги бурчи каби азалий, ўзига хос миллий қадриятлари мужассамлашган. Таъкидлаш ўринлики, дунёдаги ҳамма миллатда ҳам бундай қадриятлар мавжуд эмас. Масалан, Европа мамлакатларида ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар бошқача тарзда намоён бўлади. Фарзандлар ота-оналарига ғамхўрлик қилишга мажбур эмаслар. Бизда эса аксинча бу қадриятлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетганлиги боис конституциявий қадрият даражасигача кўтарилган.

Хулоса қилиб айтганда, юртимиз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳар томонлама кафолатловчи қонуниятлар мажмуи – миллий қадриятлар Конституциямизда тўла акс этган. Уларни асраш, амалга татбиқ этиш кафолатланган. Демак, Конституция ўзбек миллатининг ўзлигини кўрсатувчи асосий қонундир. Биз уни пухта ўрганишимиз ва ўз ҳаётимизга татбиқ этишимиз зарур.

Камола АТАУЛЛО,
Тошкент Давлат юридик институти магистранти.

ИСТИҚЛОЛ ҚЎШИҒИ – МИЛЛАТ ҚЎШИҒИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатчилигимиз рамзларини ҳам шу каби устувор мақсадларимизни ҳисобга олган ҳолда қабул қилганмиз. Ахир, рамзлар миллий суверенитетимизни ифодалаши, миллат ҳаёти, анъаналари, руҳиятини келажакка интилиши, орзу, ниятларини ўзида мужассамлаштириши керак-да. Шунинг учун ҳам рамзлар биз учун муқаддас.

Президентимиз Ислом Каримов «Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири — катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир», дейди. Дарҳақиқат, мустақил давлатимизнинг рамзлари биз фуқароларнинг миллий ғуруримизни тарбиялашда устувор аҳамият касб этаётганини яхши биламиз.

1992 йилнинг 10 декабрида Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси тўғрисида» ги Қонун қабул қилинди. Мана, шу муҳим санага ҳам 15 йил тўляпти.

«Дада, устоз айтдилар – мадҳиямиз янграганда, ўрнимиздан туриб, қўлимизни кўксимизга қўйиб, баралла айтишимиз керак экан», – ўғлимнинг илк бора мактабга борганидаги бу ҳаяжони ҳали-ҳали эсимда.

«Мадҳия қанақа қўшиқ, нега уни ҳар кун телевизорда айтишади?» – боғчага борадиган қизимнинг берган саволи қулоғим остида ҳали-ҳали жаранглаб тургандек.

Уларга содда, равон қилиб тушунтирдим. Болаларча тасаввурида давлатимиз рамзига нисбатан ҳурмат, эътибор, қизиқиш шаклланаётганидан хурсанд бўлдим. Ич-ичимда эса «Ўғлим, қизим бу миллат қўшиғи. Озодлик, эркнинг, бу йўлда курашган аждодларимизнинг қўшиғи. Нурли эртамиз – порлоқ истиқболимиз қўшиғи. Сизлар истиқлол мадҳияси, миллат қўшиғини эшитиб, ёдлаб улғаяётганингиздан бошим осмон», дедим. Биргина рамзларнинг ўзи орқали фарзандларимизда болалигиданоқ миллий ғурур, фахрни шакллантириш мумкинлигини англадим.

Мадҳия матнини ёзган муаллиф Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов бир суҳбатида шундай деган: «...Мадҳия матнига муаллифлигимга келсак, мен бундан жуда фахрланаман, шукроналар айтаман. Албатта, Мадҳия бир ўтиришда битиладиган нарса эмас. Унинг катта масъулияти бор. Табиий чиқиши керак. Матн мусиқага тушиши учун ҳам 50-60 марталаб қайта ёзилган. Мураккаб ижодий иш давомида бастакор билан ҳамкорликда, биргаликда меҳнат қилганмиз. Олдимизда рояль, пианино турган. Ҳар бир сўзни ахтарганмиз, излаб топганмиз. Кўпчилик эслайди, ўша йиллари ўнлаб, юзлаб матнлар халқ муҳокамасига қўйилди. Депутатлар махсус гуруҳи эса танлаб-танлаб бир нечтасини Олий Мажлис сессиясида депутатлар ҳукмига ҳавола этган. Хуллас, ҳозирги Мадҳия мусиқаси ва матни бир овоздан қабул қилинди.

Муаллифлик менга алоҳида имтиёз бермайди. Мен энди давлат Мадҳиямиз қошида муаллиф эмас, балки оддий бир фуқароман. Мадҳиямизга давлатимиз белгиси сифатида қарайман. У янграганда ҳамма қатори ўрнимдан туриб, ғурур билан эшитаман, Ўзбекистон фуқароси сифатида унга бўйсунаман».

Бундан рамзларга бўлган муҳаббат, садоқатни теран англадим, муаллиф айтган фикрлар қалбимда фахр ва ифтихор каби энг сара туйғуларни янада алангалатади.

Миллий армиямизда бўлиб ўтадиган тантаналарда давлат Мадҳияси янграшини яхши биламиз. Уни ҳарбийларимиз жўр бўлиб айтишганига кўп бора эътибор қаратганман. Бу ҳолатда ғурурни, садоқатни жўш урдираётган ички бир кучни, юрт ҳимоячиси унинг рамзларининг ҳам посбони эканлигини ҳис қиламан.

Жаҳон чемпиони бўлган спортчиларимиз шарафига давлат Мадҳияси янграган ҳолатларни ҳеч кузатганмисиз? Беихтиёр Мадҳия матнини айта бошлайсиз. Чемпионлик шоҳсупасига кўтарилган ҳамюртимиз қалбидан нималар кечаётганини билмайсиз-у, аммо сизнинг кўнглингиздан фахр, ифтихорга йўғрилган ажиб туйғулар кечиши тайин. Ахир, юртимиз, халқимиз шарафига миллат қўшиғи янграмоқда-да.

Бундайин туйғулар юракларимиз билан уриб туриши ватанпарварликнинг қалбларимизда уйғоқлигидан. Аммо нафақат фахрланиш, ғурурланишимиз, балки давлатимиз рамзларига муносиб бўлиш, демакки, Ўзбекистон номига муносиб бўлишимиздек масъулият билан ёниб яшамоғимиз керак. Юртим, халқим шону шавкатини акс эттириб, баланд-баланд пардаларда янграйвер, Мадҳиям.

Ш. ТОЛМАСОВ.

«СЕРҚУЁШ, ҲУР ЎЛКАМ...»

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 август куни ўз давлат мустақилигини қўлга киритгач, бирин-кетин давлат рамзларини қабул қила бошлади.

Давлат Мадҳияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ана шу йўлдаги қадамларимиздан бири бўлди.

Мазкур қонун 12 та моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида мадҳиянинг матни ва мусиқий таҳрири тасдиқланиши баён этилган.

Қонуннинг 2-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси давлатимиз суверенитетининг рамзи, унга зўр эҳтиром билан қараш ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик бурчи эканлиги тўғрисидаги ҳуқуқий меъёр ўз аксини топган.

Маълумки, Давлат мадҳияси ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ижро этилганда Ватан ҳимоячилари Ўзбекистон Республикаси Умумҳарбий низомларига мувофиқ ҳарбийча салом беришади. Қуролли Кучлар ички хизмат низомининг 50-моддасида Давлат мадҳияси ижро этилаётган пайтда сафда турган аскарлар буйруқ берилмасдан қад ростлаган ҳолга ўтишлари, взвод командири ва ундан юқори бўлганлар қўлларини бош кийимларига қадаб, ҳарбийча салом бериш ҳолатига ўтишлари, сафдан ташқарида бўлган ҳарбий хизматчи эса қад ростлаши, кабилар кўрсатиб ўтилган.

Мадҳиямиз турли муносабатлар билан чет элларда янграганда, биз уни бошқа давлатлар мадҳиялари билан қиёслаш имконига эга бўламиз. Бошқаларни билмадим-у, лекин менинг қалбимдан ажиб ҳис-туйғулар кечади, ўша лаҳзаларда. Хаёлимдан энг азиз нарсалар ўтади. Қадрдон қишлоғим, болалигим, яқинларим… Демак, бу мадҳиямиз юрак-юрагимизга яқин қўшиқ дегани. У биздаги ғурурни уйғотиб, қалбни жўш урдиради, фахр туйғусини кучайтириб юборади, дегани.

Капитан Қамбарали АЗИЗОВ,
Тошкент давлат техника университети ҳарбий кафедраси ўқитувчиси.

Огоҳлик – тинчлик демак

ЮРАКЛАРДА ГУЛЛАГАН ВАТАН

Тахтакўпирлик Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ағитой оға Адиловнинг бир гапи ҳеч эсимдан чиқмайди. «Бобом бизга тасалли берардилар: «Болаларим, қисинманглар, ҳали қўй устида бўзтўрғай жумурталайдиган замонлар келади». Биз ўшанда ҳайрон бўлардик. Бўзтўрғай қўй устига тухум қўйса, бола очса, уларни учирма қилса – у қандай замон экан? Кейинчалик англасак, бу – Тинчлик замони, элнинг осойишта давронда осуда умргузаронлик қилиш замони экан. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу бизнинг Мустақиллик замонимиз экан!»

Яқинда шунга ўхшаш яна бир гапни эшитиб, ёшуллининг ҳайрати ёдимга тушди. Андижонлик маърифатчилардан бири Абдуваҳоб Нурматов «Маърифатни эътиқодга айлантира олсаккина маънавиятга хизмат қилган бўламиз», деди. Дастлаб мен ҳам сизга ўхшаб мағрибдаги ёшуллининг машриқдаги маърифатчига нима дахли бор экан, уларнинг гапи хаёлимга нега бақамти ҳолда тушди, деган ўйда эдим. Кейин чуқурроқ мушоҳада қилиб кўрсам, тинчлик бўлмаган жойда маърифат гулламас, маданият юксалмас экан, эътиқод эса мўрт ва буқаламун бўлар экан. Уйғониш даврида ушбу заминдан униб чиққан маърифатпарварларни бир эсланг. Улар ўзлари билмаган ҳолда жаҳон илму маърифатига, дунё тамаддунига зару тилло билан ўлчаб бўлмас беқиёс хазина инъом этдилар. Улар бизнинг боболаримиз, бизнинг момоларимиз эдилар. Кўҳна Туркистон ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида маърифат чашмасига айланди. Аслида бугун «Дунё маърифатининг соҳиби бизмиз», деб кўксига муштлаётган мағриблик корчалоннинг бобокалони танглайи ҳам ушбу чашмага ботирилган увада билан кўтарилган.

– Болаларимизни, энг аввало, ота-онага меҳр, юртга муҳаббат руҳида тарбиялашимиз керак, – дейди Абдуваҳоб ака. – Битъакс, фарзанд оқпадар бўлиб вояга етади. Аҳли Андижон бундай оқпадарларни кўрди, уларнинг қилмишларидан қалби жароҳатланди. Бу падаркушларни қарангки, ҳокимиятга ўт қўйишни айнан менинг хонамдан (Абдуваҳоб ака у пайтда «Маънавият ва маърифат» марказининг вилоят бўлимида раҳбар эди) бошлашган. Улар бу билан гўё истиқлолимиз мафкурасига ўт қўймоқчи, минг йиллик маърифатимизни кулга айлантирмоқчи эдилар. Халқаро терроризм ва гиёҳвандликка қарши рисолалар, «Динимиз душманлари» номли ва яна ўнлаб китоблар ёниб кетди. Ҳатто улар асрлар гулханида ҳам кулга айланмай эсон-омон бизгача етиб келган «Бобурнома»га ҳам ўт қўйдилар. Аммо бу китоб ёнмади, бир чеккаси тутаб, ўчди, бобомиз битиклари омон қолди. Токи мирзо бобомиз истаган ва амал қилган тинчлик ва тўкинлик талқинлари бизни доимо ҳушёр тортгириб туриши учун! Токи юрт осойишталиги, эл фаровонлиги йўлидаги кураш кундалик юмушимизга айланиши учун!

Абдуваҳоб ака бозор иқтисодиёти ва ёшлар, қадриятларимиз ва сабр-қаноат, ғарбдаги ғайриахлоқий тенденцияларнинг оқиб келишига қарши амалий курашлар, эгоцентризм, таъмагирлик ва пораҳўрлик иллатлари хусусида куйиниб гапирди. Ва мулоқотимиз адоғида менинг қулоғим тагида ҳануз акс-садо бериб турадиган яна бир гапни айтди:

– Биз шундай қилишимиз керакки, айтган сўзларимиз ёшларимизнинг қулоғинигина ялаб ўтиб кетмасин, нақ юрагига тегсин! Бунинг учун биз катта-катта аудитория минбарларидан тушиб, оилаларнинг ичига кириб боришимиз даркор!

Мен Андижонда бугун ана шу сўзларнинг ҳаётий инъикосини ҳам кўришга муваффақ бўлдим. Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Абдулҳамид Нурматов «Бир зиёли – ўн оилага маънавий ҳомий» шиори остида оммавий ва индивидуал тадбирлар олиб борилаётганлигини айтди. Ушбу шиор асосида хонадонларга бириктирилган зиёлилар, туман ва шаҳар халқ таълими ҳамда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимлари, хотин-қизлар қўмитаси, марказий шифохона, давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида ўқувлар бўлиб ўтган. Жойларда бу миллий маърифатпарварлик ҳаракатининг бутунлай ноанъанавий усулларда, яъни мулоқот шаклида ўтаётганлиги яхши самара бераётганлигини таъкидлашди. Андижонлик маънавият тарғиботчилари «Маънавият соати» ва бошқа машғулотларда ёрдам сифатида хонадонларга бириктирилган зиё лиларга «Миллий ўзликни англашнинг фалсафий қиррал нинг вужудга келиши, манбалари ва унга қарши кураш» каби ўнлаб маъруза матнлари, қўлланма ва тавсиялар тайёрлаб беришди.

– Вилоятнинг барча маҳаллаларида ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш мақсадида маънавий-маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини юритишнинг мажмуий дастури ишлаб чиқилди ҳамда ижро учун жойларга етказилди, – дейди Абдулҳамид Нурматов. – Деярли барча МФЙларда «Маънавият хоналари» ташкил этилган.

– Фисқу фасод ишлаган одамдан нари юради, – дейди халқаро «Бобур» жамғармаси раиси Зокиржон ака Машрабов. – Ҳар қандай ғийбат ва бўҳтонлар фариштали одамнинг этагига илашмайди. Андижон воқеаларини ҳам мен ана шундай манбадан – боқибеғамлик ва тараллабедодликдан келиб чиққан дард, деб биламан. Бугунги Андижондаги кўтаринки кайфият, эртанги кунга ишонч билан қилинаётган саъй-ҳаракат, ободончиликка, юртни гуллаб-яшнатишга интилиш одамни қувонтиради ва беихтиёр бунёдкор одамларнинг сафига қўшилгинг келаверади. Энди – энди биз халққа ва Ватанга муносабат қандай бўлиш кераклигини ўргана бошладик. Мен буни иккита мисолда айтиб ўтмоқчиман. Биринчиси, мен 2000 йилдан илмий тадқиқот институтлари билан биргаликда Андижон шаҳрининг ёшини аниқлаш бўйича шуғулланиб келаман. Унинг 2500 – 2600 ёшдалиги ҳақидаги маълумотлар ҳам тўпланди. Қарангки, шу пайтгача ҳеч ким хушламаган бу манбаларга вилоят ҳокимлиги қизиқиб қолди ва биз тўплаган манбаларни чуқур ўрганиб чиқиб, бу борада Вазирлар Маҳкамасига ҳужжат ҳам тайёрлади. Иккинчи масала шундан иборатки, Боғи Бобур мажмуи 3 – 4 йилдан буён сувсизликдан қовжираб ётарди. Янги ҳокимнинг илиқ муносабатидан боғдан аввал бизнинг кўнглимизга нажот суви кириб келди. Натижада вилоят ҳокимлигининг Боғишамол ҳудудидаги Бобур номли истироҳат боғининг суғориш тизимини такомиллаштириш бўйича шошилинч тадбирлари ишлаб чиқилди ва бугунги кунда бу хайрли ишлар бошлаб юборилди. Насиб қилса, энди нафақат боғ, балки ён-атрофдаги фермерларнинг 500 гектарча ери ҳам об-ҳаётдан баҳраманд бўлади. Ҳадемай Боғи Бобурда зайтунлар гуллайди, ҳосил беради ва халқимизнинг фаровонлиги учун хизмат қилади...

Мана шунақа, ишлаган одамдан гул ҳиди келади ва сендаги мудроқ туйқуларни-да уйғотиб, бунёдкорликлар сари бошлайди. Ишламаган одам эса миш-миш ва фисқу фасод ботқоғида булғаниб, атрофидагиларга-да қўланса ҳид тарқатиб ётаверади.

Андижонга қилган сафаримиздан муддао ҳам бу ерда яшаб, фидойиларча меҳнат қилаётган инсонлар билан учрашиш, уларнинг кечаги кун сабоқларидан чиқарган хулосалари билан ўртоқлашиш ва айни пайтдаги бунёдкорликлари билан танишишдан иборат эди. Улкан бунёдкорликлар туфайли бугунги Андижонни таниб бўлмаганидек, кечаги кун хулосаларидан беҳад некбин сабоқ чиқариб, нурли келажак учун мардонавор курашаётган андижонликнинг суҳбатига ҳам тўймайсан, киши. Чунки уларнинг юракларида Ўзбекистон аталмиш ВАТАН гулламоқда. Ҳадемай улар янгиянги мевалар тугиши ва ҳосил бериши, табиий.

Турли идораларда, маҳаллаларда, заводларда бўлдим. Боғча боласидан тортиб, нуроний оқсоқолларгача мулоқот қилдим. Уларнинг барчаси шу юрт фарзанди эканлигидан фахрланади, шу халққа хизмат қилишни муқаддас бурчим, деб билади.

Андижон шаҳрининг сўлим кўчалари бўйлаб кетар эканмиз, кечагина бир ҳовуч юртфуруш кимсаларнинг қилмишидан кулга айланган театру биноларнинг, боғу хиёбонларнинг қайтадан жамол очиб, шу юрт одамлари учун хизмат қилаётганлигини андижонликларнинг юқорида тилга олган фахр-ифтихоридан туғилган жасоратининг мевалари, деб қабул қилдим.

Манзилга етиб, машинадан тушдик ва бир идора томон йўналдик. Ҳамкасбим негадир машинасини қулфламади.

– Машинани очиқ қолдирдингиз, Одилжон ака, – дедим.

Ҳамкасбим қатъиятли оҳангда дона-дона қилиб айтдики:

– Мен андижонликларга ишонаман, четдан келиб ҳеч ким ўғирлик қилмайди.

Эсирган БОЛИЕВ.



Подписка-2008

НАШ ВЫБОР – «ВАТАНПАРВАР»

В частях и учреждениях Министерства обороны началась коллективная и индивидуальная подписка на газеты и журналы на I полугодие 2008 года, в том числе и на газету «Ватанпарвар», Центральный печатный орган Министерства обороны.

Газета «Ватанпарвар» является единственным изданием, в полном объеме освещающим жизнедеятельность частей и подразделений Министерства обороны Республики Узбекистан. На страницах газеты «Ватанпарвар» публикуются материалы, рассказывающие не только о процессе боевой учебы военнослужащих различных видов и родов войск, но и о быте, продовольственном и денежном обеспечении, культурно-досуговой работе, льготах, предоставляемых различным категориям военнослужащих и членам их семей. Журналисты редакции и внештатный авторский актив много внимания уделяют раскрытию тем военно-патриотического воспитания подрастающего поколения будущих защитников Родины. Молодежная тематика является прерогативным направлением в информационном обеспечении читательской аудитории нашей газеты. Потому единственное в республике полноцветное периодическое издание представляет интерес для самого широкого круга читателей.

В период проведения подписной кампании командирам всех степеней, начальникам учреждений, офицерам органов воспитательной работы необходимо провести на местах широкую разъяснительную работу среди военнослужащих, рабочих и служащих о значимости газеты «Ватанпарвар» в деле информирования, обучения и воспитания личного состава, формирования высоких нравственных и морально-боевых качеств молодежи нашей страны, патриотизма, организованности и дисциплинированности. Немаловажно будет рассмотреть и обсудить вопрос организации коллективной и индивидуальной подписки на совещаниях офицеров, военнослужащих по контракту, рабочих и служащих, собраниях личного состава срочной службы.

Командующим войсками военных округов, их заместителям по воспитательной работе, начальникам УДО (ОДО) необходимо также организовать широкую пропаганду газеты «Ватанпарвар» среди родителей, родных призывников и военнослужащих наших Вооруженных Сил.

Подписку на газету «Ватанпарвар» необходимо оформлять в ближайших почтовых отделениях не менее чем на 6 месяцев по безналичному расчету. Следует обязательно обращать внимание на то, что в каждом регионе подпиской занимаются в среднем от 2 до 5 компаний. Потому за основу следует выбрать ту, которая предлагает наиболее низкие цены за подписку и доставку.

Подписную кампанию необходимо провести в рамках установленных сроков и завершить ее к 20 декабря т.г.

ГЛАВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.

ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ёнғин бу – моддий зарар етказадиган, махсус ўчоқдан ташқарида назорат қилиб бўлмайдиган ва инсонлар ҳаётига хавф солувчи офатдир. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, давлат ёки шахсий мулкимизга моддий зарар етказмаслик ва инсонлар ҳаётини хавф остида қолдирмаслик учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиш шарт. Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилиши бу тадбирларнинг биридир. Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳам ёнғин хавфсизлиги ойлиги қизғин давом этмоқда.

Гарнизон ёнғинга қарши кураш ва қутқарув ишлари хизмати ходимлари ҳарбий қисмларда ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилиб, ҳарбийлар ўртасида кенг қамровли тадбирлар ўтказдилар. Ундан ташқари, ҳарбий болалар боғчаларида ёнғин хавфсизлиги кучайтирилиб, тарбиячи ходимлар ўртасида маърузалар ўқилди.

Шулар қаторида ҳарбий қисм ва муассасаларда ўт ўчириш қалқонларининг бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланишига, сув билан таъминлаш тизими, газ ва электр жиҳозларидан тўғри фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Мазкур тадбирлардан кўзланган мақсад, ҳарбийларимизга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини янада мукаммал тушунтириш, улар онгида давлат мулкини кўз қорачиғидай асраш билан боғлиқ тушунчаларни шакллантиришдир.

Майор Садриддин БАРНОЕВ.

ҚОМУСИМИЗ – ТАЯНЧИМИЗ

Адолат мезони эрур Қомусим,
Халқим иродаси, руҳи унда жам.
Шаъним, қадриятим, ору номусим
Бурч ва мажбуриятим унда мужассам.

Ўзлигимизга хос, миллий қадриятларимизга мос бўлган Конституциямиз қабул қилинганига мана 15 йил тўлди. Давлатимиз, халқимиз келажагини белгиловчи бу дастуриламал мустақил элимизнинг тинч ва осойишта ҳаётида, олға интилишида, юртимиз ривожида катта аҳамият касб этаётганига гувоҳмиз. Шу ўринда Юртбошимизнинг ушбу сўзларини эслаш кифоя: «Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради».

Ҳа, Қомусимиз қабул қилинган кун мамлакатимизда катта байрам сифатида нишонланиши анъанага айланиб қолган. Шунинг учун ҳам барча давлат ва жамоат ташкилотларида, маданият ва маърифат гўшаларида Конституциямизнинг 15 йиллигига бағишланган тадбирлар, учрашувлар, бадиий кечалар бўлиб ўтмоқда.

Мана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон тарихи давлат музейида ҳам ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейи билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тантанали йиғинда уруш ва меҳнат фахрийлари, Тошкент давлат юридик институтининг ўқитувчи-профессорлари, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантлари, Тошкент дизайн касб-ҳунар коллежи талабалари иштирок этдилар.

Тадбирда дастлаб сўз олган музей директори тарих фанлари доктори Жаннатхон Исмоилова барчани байрам билан қутлаган ҳолда «Қомусимиз – таянчимиз» мавзусида маъруза қилди. Фалсафа фанлари доктори профессор Гулнора Мансурова, тарих фанлари номзоди, доцент Барно Фармоновалларнинг Қомусимизнинг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти, унинг ўзлигимизга хос томонлари ҳақидаги қизиқарли суҳбати иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотгани аниқ Хусусан Гулнора Мансурова ўз сўзида.

– Қомусимизда аввало инсон қадри биринчи ўринга қўйилган. Давлатимиз фуқаролари миллати, ирқи, динидан қатъиназар тенг ҳуқуқлидир. У том маънода бизнинг фахримиз ва бахтимиздир.

Маърузалар давомида касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг бадиий чиқишлари даврага кўтаринки руҳ бахш этган бўлса, фахрийларнинг нурафшон замонамиз, адолатга асосланган Конституциямиз тўғрисидаги фикрларини тадбир иштирокчилари диққат-эътибор билан тинглашди.

– Бундай тадбирларнинг аҳамияти катта, – дейди билим юрти биринчи курс курсанти Фарҳод Абдуллаев. – Айниқса, биз бўлажак офицерлар Конституциямиз ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишимиз шарт. Мен Қомусимизга бағишланган ушбу йиғиндан катта таассурот олдим.

Тадбир сўнггида Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорларининг махсус концерт дастури намойиш этилди.

Г. НОСИРОВА.

ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб- қувватлаш, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалаларига улкан эътибор қаратилаётганини яхши биламиз. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ниҳоясига етаётган мазкур йил давомида амалга оширган тадбирлари доирасида "Меҳрибонлик", "Мурувват" ҳамда "Саховат" уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоялаш, уларни моддий-руҳий жиҳатдан рағбатлантириш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият бераётганини таъкидлаш лозим. Аниқроғи бундайин муассасаларда турли хайрия ҳашарлари, маънавий ва маърифий кечалар, анжуманлар ташкил этилаётгани нур устига аъло нур бўлаётир.

Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллиги арафасида меҳрга, саховатга муҳтожлар тарбияланаётган бир қатор муассасаларда ана шундай хайрия ҳашарлари ўтказилди.

Тадбир давомида ҳудудларни шох-шаббалардан тозалаш, дарахтларни буталаш, ер чопиш, ариқларни тозалаш ва бошқа ободонлаштириш ишларига эътибор қаратилди.

Хусниҳон ТОЖИБОЕВА,
Тошкент шаҳар
Фавқулодда вазиятлар бошқармаси.

Ҳарбий техника янгиликлари

ҲАМ ЎҚУВ, ҲАМ ЖАНГОВАР

Канада ҳарбий ҳаво кучларига қарашли СТ-155 («Хок» Mk 115) русумли жанговар-ўқув самолёти «Британ аэроспейс» фирмаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур типдаги машиналардан дастлабки учишлар тайёргарлигини таъминлаш ва уларни янада такомиллаштириб бориш учун, шунингдек ҳаводаги нишонларни йўқ қилиш ва ердаги объектларга осмондан зарба беришда фойдаланиш мумкин.

СТ-155нинг тактик-техник тавсифлари: экипаж икки кишидан иборат, максимал кўтарилиш оғирлиги 9100 кг (юксиз – 4400 кг), ерга яқин энг юқори учиш тезлиги соатига 1000 км, энг юқори кўтарилиш нуқтаси 13565 м, бир жойдан бошқа жойга учиб ўтиш узоқлиги 2519 км.

Унга қуйидаги қуроллар ўрнатилган: 30 мм.ли «Аден-Mk 4» тўпи (жанговар комплекти 120та снаряд), «ҳаво-ҳаво» типидаги А1М-9 «Мажик» русумли бошқарилувчи ракеталар, бошқарилмайдиган авиация ракеталари, бомбалар (максимал жанговар юкланиш оғирлиги 3000 кг). Мазкур самолётга «Адур-115» русумли максимал тортиш кучи 26,5 кН бўлган турбореактив дизель двигатели ўрнатилган. Самолётнинг узунлиги 11,4 м, баландлиги 3,98 м, қанот кўлами 9,08 м, қанот майдони 16,92 кв. м.

КУЧАЙТИРИЛГАН ҲИМОЯГА ЭГА

Италиянинг LMV (Light Multirole Vehicle) русумли зирҳли автомобили 2001 йилда «Ивеко» фирмасининг «Дефенс виклз» бўлими мутахассислари томонидан яратилган (ўнта прототипдан дастлабгиси). Мазкур автомобиль (гилдираклар формуласи 4х4) М 65Е19 WM деб номланган. Унинг нархи ва кейинги фойдаланиш ҳамда таъмирлаш харажатларини пасайтириш мақсадида конструкцияда аввал ишлаб чиқарилган моделларнинг узел ва агрегатларидан фойдаланилган. Масалан, унинг двигатели ва трансмиссияси турли йўллардан юқори ўтувчанлик қобилиятига эга бўлган «Ивеко-2500» русумли енгил автомобилдан олинган. Машинадан фойдаланиш тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда унинг корпуси зирҳланиши кучайтирилган ва миналардан ҳимояланиш учун махсус конструкциядаги шасси ўрнатилган. Бундан ташқари, портлаш вақтидаги зарба тўлқини таъсирини камайтириш учун клиренс максимал оширилган (0,473 м), корпус таги V кўринишидаги формага эга, энг муҳим агрегатлар (трансмиссия, ёқилғи баки) машинанинг орқа қисмига сурилган, энг туб қисми композицион зирҳдан тайёрланган, эшиклар эса қўшимча зирҳланган.

Машинанинг асосий тактик-техник тавсифлари: экипаж 4 кишидан иборат, жанговар оғирлиги 6500 кг, фойдали юкланиш оғирлиги 2700 кг, шатакка олинувчи юкнинг максимал оғирлиги 4200 кг, двигателнинг максимал қуввати 185 от кучига тенг, энг юқори юриш тезлиги шоссе бўйлаб соатига 130 км, юриш заҳираси 500 км. Машина 0,85 м (олдиндан тайёргарлик кўрилса – 1,5 м) чуқурликдаги сув кечувидан, 0,5 м баландликдаги девордан ўта олади. Автомобилга турли пулемётлар, шу жумладан масофадан бошқарилувчи пулемётлар ўрнатилиши мумкин.

БЎЛАЖАК МАШИНА УЧУН АСОС

«Белл Хеликоптер» фирмаси (АҚШ) мутахассислари томонидан QTR (Qtad Tiltrotor) деб номланган оғир транспорт учиш аппарати концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, у бўлажак машина учун асос бўлади.

Ишлаб чиқувчиларнинг маълумотларига кўра, мазкур аппаратнинг максимал кўтарилиш оғирлиги 64 тоннага етиши мумкин. Тўртта бурилувчи турбовинт двигатели, оғирлик габаритлари тавсифлари С-130 ҳарбий-транспорт самолётиникига ўхшаш фюзеляжга эга бўлган QTR вертикал (тик) кўтарилиш, қўниш ва муаллақ туриш, шунингдек, соатига 520 км тезликда 3700 км.гача бўлган узоқликка учиб боришга қодир. Аппарат оғирлиги 13-18 тонна бўлган юкни зарур жойга етказиб бера олади. «Белл» фирмаси раҳбарияти янги машинада V-22 «Оспрей» самолётига ўрнатилган механизм ва агрегатлардан фойдаланилиши, лекин бунда олд қанот кўлами каттароқ эканлигини унинг яна бир ютуғи сифатида таъкидламоқда. Бошқа тизимлар, масалан, душман томонидан ўтга тутилиш хавфи ҳақида огоҳлантириш тизими буюртмачининг талабига кўра ўрнатилиши мумкин. Компаниянинг режаларига кўра, мазкур турдаги машиналарни ишлаб чиқариш 2010 йилдан бошланиши керак.

М. САЙДИВАЛИЕВ.
(«Зарубежное военное обозрение» журнали асосида тайёрланган).

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

В Косово увеличивается контингент

НАТО планирует в ближайшие дни увеличить численность своего воинского контингента в Косово, сообщает газета «Financial Times Deutschland» со ссылкой на свои дипломатические источники. Такая мера объясняется высокой вероятностью возникновения волнений в этом сербском крае. На будущей неделе предполагается выдвинуть в регион из резерва дополнительно два воинских батальона из Великобритании и Италии численностью примерно 1600 солдат.

Взрыв в Ираке

В результате взрыва в иракском городе Эль-Мукдадия недалеко от Багдада погибли 15 человек, ранены более 20. Очередная атака, осуществленная террористкой-смертницей, произошла в 90 км от столицы страны, в провинции Дияла, передает BBC News. Также на севере Ирака боевики взорвали участок важного нефтепровода, обслуживающего крупнейший в стране завод по переработке углеводородов в городе Бейджи, передает ИТАР–ТАСС.

Танкер столкнулся с краном

В южнокорейском порту Тэнан к югу от Сеула танкер, зарегистрированный в Гонконге, натолкнулся на кран в доке порта. В результате аварии в Желтое море вылилось около 15 тысяч тонн нефти. Танкер перевозил 146 тысяч тонн нефти.

Новый выставочный центр

На днях в городе Баодин (провинция Хэбэй, Северный Китай) началось строительство необычного выставочного центра на городской площади «Дяньгу» – он станет первым в Китае центром конференций и выставок, в котором часть необходимой электроэнергии будет обеспечена за счет аппаратуры фотовольтажа. Об этом сообщает ChinaPRO.ru. Стеклянные стены нового выставочного центра будут выполнены из необходимого для аккумулирования солнечной энергии оборудования.

IBM создаст суперкомпьютер

Благодаря технологическому прорыву в области микропроцессоров в ближайшие 15 лет удастся уменьшить суперкомпьютеры до размеров ноутбука, заявили специалисты компании IBM в журнале «Optics Express», где они объявили о новом открытии, которое позволит соединить вычислительные ядра и процессоры не проводами, а с помощью световых импульсов.

Робот поступил в продажу

Японский производитель игрушек «Tomy» предлагает относительно доступную модель человекоподобного робота по цене в 300 долларов. В теле миниатюрного гуманоида i-Sobot располагается 17 моторов, он способен распознавать речь, подчиняться приказам с пульта и демонстрировать различные трюки. Основным достоинством игрушки разработчики называют то, что робота не придется собирать из множества деталей, передает АР.

Лекарство «с дистанционным управлением»

Лекарство «с дистанционным управлением» придумали специалисты из Массачусетского Технологического Института, сообщает «Washington ProFile». После того, как капсула попадает внутрь человеческого организма (например, с помощью инъекции) медики могут активизировать лекарство: нанооболочка раскрывается и биологически активная лекарственная субстанция начинает действовать.

Подготовка к чемпионату мира

До следующего чемпионата мира по футболу, который пройдет в ЮАР, еще больше 2 лет, но подготовка к нему идет полным ходом, сообщает «ProHotel». Министр по туризму и окружающей среде страны Мартинус ван Шальквик объявил, что 22000 гостиничных и 6000 негостиничных номеров уже готовы к размещению гостей чемпионата. К маю 2008 года количество негостиничных номеров достигнет 10000.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Герои IV Всемирных военных игр

ЗАСЛУЖЕННЫЕ ПОБЕДЫ ЛЕГКОВЕСА

В полулегкой весовой категории до 57 килограммов по боксу честь нашей Родины на ринге Хайдарабада защищал Абдугаффор Умаров. Поединки легковесов всегда отличаются высокой плотностью боя, большим количеством технико-тактических действий соперников. Помимо мощного удара и умелой защиты атлет должен обладать недюжинной выносливостью и прекрасными волевыми качествами.

Воспитаннику Джизакской школы бокса удалось во всей красе проявить на ринге Индии свои самые лучшие качества. Каждую его победу можно смело заносить в учебники современного бокса, настолько грамотно и уверенно он вел бой в каждом эпизоде.

В первом поединке второго раунда Абдугаффор нокаутировал Катисо Тсеноли из Лесото. Еще у одного африканского бойца не было шансов и в четвертьфинале, хотя Давид Кесино из Кении держался очень достойно. Так получилось, что и в полуфинальном бою нашему боксеру противостоял представитель самого жаркого на земле континента. Однако и тунисцу Шили Али не удалось устоять против неудержимых атак Умарова, который к исходу встречи лидировал с отрывом в 13 очков.

Внимательно просматривал все встречи нашего единоборца россиянин Андрей Стрелков, выходивший в финал из другой подгруппы. Нестандартная правосторонняя стойка узбекского бойца создавала немало неприятностей его соперникам. Вот и россиянин не сумел «подобрать ключей» к надежной защите Абдугаффора, тогда как наш боец раз за разом уверенно взламывал довольно плотную оборону своего визави. Бой получился примерно равным, о чем говорит счет 17:11 в пользу нашего спортсмена. И только воля к победе армейца из Узбекистана оказалась на порядок выше.

В этих победах есть немалая заслуга и тренера МХСК старшего лейтенанта Фархода Бакирова, который был секундантом всех наших бойцов. Сам в прошлом великолепный боксер-левша. Фарход очень умело настраивал ребят, да и в паузах между раундами точно подсказывал им слабые места соперников, давая советы, как их использовать наилучшим образом. В тандеме с майором Уйгуном Сиддиковым они подвели боксеров к главным стартам четырехлетия в превосходной форме.

Один из тренеров сборной Германии, от которой в финале боксировали трое атлетов, очень высоко отозвался об узбекской школе бокса. Он подтвердил, что наши земляки Артур Григорян и Руслан Чагаев, являющиеся чемпионами мира в профессиональном боксе, давно и прочно стали любимцами и немецких поклонников кожаной перчатки. Успехи армейских бойцов МХСК подтвердили еще раз, что у нынешних чемпионов растет достойная смена.

– Член спортактива МХСК Абдугаффор Умаров является одним из самых перспективных спортменов, – говорит старший тренер майор У. Сиддиков. – Его успешное выступление на таком высоком международном спортивном форуме говорит о многом. Это значит, что в ближайшем будущем Абдугаффор готов проявить себя и в составе национальной сборной.

Майор Е. АЙНАТДИНОВ.

Таэквондо (ВТФ)

ЕСТЬ ЕЩЕ ТРИ ПУТЕВКИ

Во Вьетнаме на международном турнире по таэквондо (ВТФ), где оспаривались лицензии на Олимпиаду-2008, успешно выступили наши земляки.

Три узбекистанца стали счастливыми обладателями путевок на участие в Олимпийских играх в Пекине. Это победители нынешнего турнира в своих весах Акмал Эргашев, Дмитрий Ким и серебряный призер Азиатских игр Евгения Каримова.

Таким образом, на сегодняшний день 22 узбекистанских спортсмена завоевали путевки на Олимпиаду-2008.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Россиянинг Барнаул шаҳрида ташкил этилган профессионал бокс кечасида ҳамюртимиз Шерзод Назаров навбатдаги олти раундлик рейтинг жангини ўтказди.

Профессионал боксдаги фаолиятини ўтган йили бошлаган 23 ёшли ҳамюртимиз саккизинчи жангида россиялик Михаил Рисинга қарши рингга чиқди. Шерзод тўртинчи раундда рақибини қулатди.

Шундай қилиб, Шерзод Назаров профессионал рингдаги еттинчи ғалабасини нишонлади. Моҳир боксчимиз ана шу жанглардан олтитасида рақибларини муддатидан олдин мағлуб этган.

●

Россиянинг Ханти-Мансийск шаҳрида шахмат бўйича дунёнинг энг кучли шахмат усталари иштирокида ўтказилаётган жаҳон кубоги мусобақаси қизғин паллага кирди.

Дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтган олтмиш тўрт нафар шахматчи кейинги раундда ҳам классик шахмат бўйича иккитадан учрашув ўтказди. Рақибларидан устун келган йигирма нафар шахматчи мусобақани давом эттирадиган бўлди. Дуранг ўйнаган гроссмейстерлар эса ғолибни тайбрейкда аниқлайди.

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган 18-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов мазкур босқичда болгариялик Кирилл Георгиев билан куч синашмоқда. Таниқли гроссмейстерларнинг классик шахмат бўйича ўтказган икки учрашувида ҳам дуранг натижа қайд этилди.

Мусобақа қоидасига биноан, ғолиб беш партияга давом этадиган тай-брейкда аниқланади.

●

Бугун Олмалиқ шаҳрида волейбол бўйича 12-Ўзбекистон кубоги ғолиблари маълум бўлади.

Бу йилги мусобақада иштирокчи жамоаларнинг кўпайганини эътироф этиш мумкин. Шу жумладан, Фарғона вилояти Яйпан шаҳридан «Олимжон Акбаров» жамоасининг илк бор қатнашаётганини таъкидлаш жоиз.

«А» гуруҳидан ОТМК (Олмалиқ), СКИФ (Тошкент) ва «Олимжон Акбаров» (Яйпан), «В» гуруҳидан эса «ЎзИ-Самарқанд» (Самарқанд), «Универсалбанк» (Қўқон), «Динамо» (Наманган) ҳамда «Хоразмколлеж» (Ургенч) жамоалари ўрин олишган.

●

Қорақалпоғистонда беш карра жаҳон чемпиони Е. Қутибаевнинг спортдаги издошлари тобора кўпайиб бормоқда. Нукусдаги болалар спорти масканида уч кун давомида 1991–1996 йилларда туғилган ўсмирлар орасида кикбоксинг бўйича Қорақалпоғистон Республикаси биринчилиги ўтказилди. Унда 220 нафарга яқин эпчил, чаққон спортчилар қатнашдилар. Натижада 34 нафар ўсмир йигит ҳамда қизлар ўз вазн тоифалари доирасида чемпионлик шоҳсупасига кўтарилди.

Уларга «Устюрт-газ» давлат унитар корхонаси, «Экосан» халқаро жамғармаси ва «Коском» қўшма корхонаси совринлари топширилди.

Футбол

МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилеев Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) томонидан 2007 йил якунларига бағишлаб ўтказилган танловда «Йилнинг энг яхши мураббийи» номинациясида ғолиб деб топилди.

Мазкур танлов 1994 йилдан бери мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Бу сафарги тантанали тадбир Австралиянинг Сидней шаҳридаги муҳташам «Hordern Pavilion» саройида ўтказилди ва Ўзбекистон футболи учун ҳам унутилмас воқеага айланди. Ташкилотчилар томонидан таъсис этилган ўнта номинация бўйича ғолибликка асосий номзодлар орасида Р. Инилеевнинг ҳам номи зикр этилган бўлиб, айнан ҳамюртимиз «Осиёнинг энг яхши мураббийи» унвонига сазовор бўлди. Терма жамоамиз бош мураббийи билан бирга ушбу соврин ғолиблиги учун Эрон терма жамоаси бош мураббийи Амир Ғалиноий ва Жанубий Кореянинг «Сеонгнам Ильва Чунма» жамоаси бош мураббийи Ким Хак Бумнинг ҳам номзодлари қўйилган эди. Овоз бериш натижаларига кўра, футболчиларимизнинг Осиё кубоги мусобақаларининг финал босқичидаги муносиб иштироки, жаҳон чемпионатининг дастлабки саралаш босқичидаги ишончли ўйинларига салмоқли ҳисса қўшган Рауф Инилеевнинг маҳорати Осиё футбол конфедерацияси раҳбарлари ва мутахассислари томонидан юқори баҳолангани ўзбекистонлик футбол мухлисларини беҳад шод қилди.

«Бугун ҳаётимдаги энг бахтли кунлардан биридир, – деди Р. Инилеев ғолибга аталган бош совринни қабул қилиш чоғида. – Мен бу мукофотни ўзбек футболига ва унинг барча мухлисларига бағишлайман. 2010 йилги жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида миллий терма жамоамизнинг зафар қучиши учун бор куч ва маҳоратимни ишга солишга сўз бераман».

Эслатиб ўтамиз, бундан саккиз йил муқаддам Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи раҳматли Маҳмуд Раҳимов ҳам ана шу юксак мукофотга сазовор бўлган эди.

«ПАХТАКОР» ЯНА ТЕНГСИЗ

Бир неча йиллардан бери ўзбек футболида пешқадамликни қўлдан бермай келаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси жорий мавсумда ҳам ажойиб ўйинлар кўрсатиб, миллий чемпионатимиз ташкил этилганидан буён саккизинчи марта, сўнгги йилларда эса кетма-кет олтинчи марта Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Пахтакорчилар бундай муваффақиятга чемпионат ниҳоясига етишига 2 тур қолганда эришдилар. 28-турда пойтахтлик футболчилар ўз майдонларида (МҲСК стадионида) Муборакнинг «Машъал» жамоаси билан ўтказган учрашувларида чемпионликни тасдиқлаб олишлари кутилган, стадионга тўпланган 10 мингдан ортиқ мухлислар шу воқеанинг шоҳиди бўлишни ният қилган эдилар. Аммо кескин ва чиройли комбинациялар ҳамда голларга бой бўлган мазкур ўйин 3:3 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланиб, «Пахтакор»нинг чемпионлиги масаласи кейинги турга қолдирилгандек эди. Бироқ эртаси куни Бекободда маҳаллий «Металлург» билан учрашган «Пахтакор»нинг энг асосий таъқибчиси – «Қурувчи» жамоаси кутилмаганда 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраб, пахтакорчиларнинг мазкур турдаёқ чемпионликни қўлга киритишларига «ҳисса» қўшиб юборди.

Бухоронинг «Вобкент» жамоаси сафарда «Андижон»дан 0:3 ҳисобида мағлубиятга учраб, биринчи лигага йўл олган дастлабки жамоа бўлди. Медаллардан деярли маҳрум бўлган Фарғонанинг «Нефтчи» клуби эса Ғузорда «Шўртан» билан (0:0) дуранг ўйнади.

Кумуш ва бронза медаллари соҳиблари ва биринчи лигага йўл оладиган иккинчи жамоа номи қолган икки турда аниқланади. Жиззахнинг «Сўғдиёна» ва Андижоннинг «ЎзДонгЖу» жамоалари биринчи лига мусобақаларида ғолибликни қўлга киритиб, келаси мавсумда олий лига баҳсларида иштирок этадиган бўлди.

ЎЙИНЛАР МУДДАТИ БЕЛГИЛАНДИ

Футбол бўйича 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларига ташланган қуръа натижалари ҳақида аввал хабар берган эдик. Эслатиб ўтамиз, қуръага кўра Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё минтақаси баҳсларининг IV гуруҳида Саудия Арабистони, Ливан ҳамда Сингапур терма жамоаларига қарши баҳс олиб боради.

Куни-кеча гуруҳ учрашувлари тақвими эълон қилинди. Унга мувофиқ, Р. Инилеев шогирдлари ўзларининг мазкур босқичдаги илк учрашувларини 2008 йилнинг 6 февралида сафарда Ливан футболчиларига қарши ўтказишади. Шунингдек, шу куни гуруҳда Саудия Арабистони – Сингапур терма жамоалари ҳам ўзаро куч синашади.

Қолган учрашувлар муддати эса қуйидагича:

II тур, 2008 йил 26 март: Ўзбекистон – Саудия Арабистони, Сингапур – Ливан.
III тур, 2008 йил 7 июнь: Саудия Арабистони – Ливан, Сингапур – **Ўзбекистон.**
IV тур, 2008 йил 14 июнь: Ливан – Саудия Арабистони, **Ўзбекистон** – Сингапур.
V тур, 2008 йил 6 сентябрь: Сингапур – Саудия Арабистони, **Ўзбекистон** – Ливан.
VI тур, 2008 йил 10 сентябрь: Саудия Арабистони – **Ўзбекистон,** Ливан – Сингапур.

С. ПЎЛАТОВ.

Бокс

ВОСЕМЬ ВСТРЕЧ – ВОСЕМЬ ПОБЕД

В Нижнем Тагиле (Россия) наш соотечественник Шерзод Хусанов провел очередной рейтинговый бой.

На этот раз узбекистанец встречался с россиянином Рауфом Гаревым. В восьмираундном поединке Шерзод Хусанов одержал победу у Рауфа Гарева по очкам. Тем самым наш земляк продемонстрировал преимущество узбекской профессиональной школы бокса.

Наш соотечественник на профессиональном ринге выступает с начала 2007 года. За это время он провел восемь боев и во всех одержал победу.

С НАГРАДАМИ ИЗ АЛМАТЫ

В Алматы (Казахстан) завершилось очередное первенство Азии по боксу среди юношей.

На этих соревнованиях, где приняли участие представители 20 стран Азиатского континента, успешно выступили наши мастера кожаной перчатки.

Ученики тренера Мансура Махмудова – представитель Джизака Хуршид Таджибаев, Камолиддин Ахмедов (Ташкентская область) и Умид Салаев (Ургенч) – в своих весовых категориях завоевали золотые медали первенства.

А воспитанник Андижанской школы бокса Шухрат Абдуллаев и Акмал Рахманов (Фергана) стали бронзовыми призерами соревнований.

Международный турнир

ПЯТЬ АРМЕЙСКИХ ФИНАЛОВ

На прошлой неделе в городе Чирчике завершился традиционный международный турнир на призы одного из основоположников узбекской школы бокса Сиднея Джексона. Удачно выступили на нем представители МХСК: в пяти весовых категориях наши бойцы боксировали в финале.

Бронзовый призер IV Всемирных военных игр Шахриер Исаков только в решающем поединке немного уступил своему сопернику, удостоившись серебряной награды международного турнира. Зато в финальном бою весовой категории до 57 кг наш Улугбек Холмуродов уверенно доказал свое бесспорное превосходство. В весе до 64 кг армеец Зокиржон Ортиков завоевал звание чемпиона.

А финальный поединок в весовой категории до 69 кг получился чисто армейским. Самый титулованный и более опытный из соперников старший лейтенант Дильшод Махмудов и на этот раз подтвердил свое преимущество, а выход в финал рядового Бекзода Юнусова из ТВОКУ говорит о наличии достойного резерва у нынешних лидеров МХСК.

И, наконец, в тяжелом весе до 91 кг победителем международного турнира стал еще один армеец Жасур Матчанов. Таким образом, из пяти финалов с участием армейских спортсменов в четырех победу праздновали представители нашего клуба. По словам старшего тренера МХСК по боксу майора У. Сиддикова, данный турнир стал превосходной пробой сил для членов национальной сборной Узбекистана, которые готовятся к ответственным состязаниям, дающим право на олимпийские лицензии. Ведь главной целью ведущих спортсменов страны является участие в Олимпийских играх 2008 года в Пекине.

Рустем КУАТОВ.

Авторалли

ДНЮ КОНСТИТУЦИИ ПОСВЯЩАЕТСЯ

В Джизаке завершился чемпионат страны по авторалли. Эти соревнования были посвящены 15-летию Конституции Республики Узбекистан. В чемпионате приняли участие около ста спортсменов из города Ташкента и областей.

В соревнованиях первой группы на автомобилях марки «Багги» победителем стал представитель хозяев турнира Бекзод Одилов. На легковых автомобилях, одержав победу, на высшую ступень пьедестала почета поднялся Асад Мамадияров из Ташкента. На грузовых автомобилях также блестящую победу одержал еще один столичный спортсмен Геннадий Андреев.

Среди гонщиков второй группы на автомобилях марки «Нексия» счастливым обладателем главного приза стал самаркандец Илхом Одилжонов. В соревнованиях на других марках легковых автомобилей первое место завоевал Игорь Газиянц из Ташкента.

Жеткун-до

ЖЕТКУН-ДО ПОЛУЧАЕТ «ПРОПИСКУ»

Недавно в Бухаре завершилось первенство Узбекистана по одному из восточных видов единоборств жеткун-до среди юношей и девочек 1991–1996 годов рождения. Этот вид спорта в Узбекистане культивируется недавно, Федерация жеткун-до Узбекистана существует всего лишь год. Тем не менее число поклонников нового вида спорта растет с каждым днем.

Поэтому проведение первенства страны по жеткун-до среди юношей и девочек было целесообразным. Что интересно, победители и призеры имеются с каждой области. Это говорит о том, что тренеры хорошо работают. Сейчас инструкторы по жеткун-до главной задачей видят в развитии данного зрелищного вида спорта среди подрастающего поколения.

В этом плане стоит отметить большой вклад в деле воспитания молодежи здоровыми и сильными таких инструкторов по жеткун-до, как Бабул Аблакулов, Азим Расулов (Самаркандская область), Камолиддин Пирматов, Аскарали Пирматов (Кашкадарьинская обл.), Азизбек Тураев (г. Бухара), Мусурмонкул Валиев (Сурхандарьинская обл.), Туйчибай Уралов (г. Джизак), Хуррият Файзуллаева (г. Ташкент), Станислав Марков (Ташкентская обл.).

17-18 декабря в Ташкенте будет проходить очередной Республиканский турнир по жеткундо, а в 2008 году – первый чемпионат Узбекистана и международный турнир.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

Атлетический клуб будущего воина

РАЗВИВАЕМ БИЦЕПСЫ «Сгибы священника» (со штангой или EZ-штангой)

Выполнение «сгибов священника». Перед началом сядьте на скамейку и свободно расположите верхнюю часть рук (плечо) на выгнутой подушке. Возьмите штангу хватом снизу и вытяните руки. Медленно делайте сгиб рук со штангой в направлении груди, затем опустите штангу в исходное положение.

Так же вы можете делать сгибы с EZ-штангой, варьируя ширину захвата от узкой до широкой.

ҲАР КИМ БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА. БЕПУЛ УМУМИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

Қарор ва ижро

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 мартдаги Фармони ва 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш ҳамда Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда жанговар тайёргарлик ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш, ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар хизматчиларининг маънавий-ахлоқий тафаккурини юксалтириш, кенг ва тизимли ахборот билан таъминлаш масалаларини амалда татбиқ этиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий кутубхоналарнинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона марказлари билан ҳамкорлигини ташкиллаштириш режасини амалга киритиш тўғрисида»ги Қарори жойларда ўз ижросини топмоқда.

Бу борада Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик муҳандислик билим юрти ҳамда Самарқанд шаҳар Пушкин номидаги ахборот кутубхона маркази ҳамкорликда олиб бораётган ишлар таҳсинга сазовор. Мазкур кутубхона аввал ҳам билим юрти билан ҳамкорликда ишлар олиб борган. Қўшма қарор кучга киргач, ушбу ҳамкорлик алоқалари янада такомиллаштирилиб, мунтазам тус олди.

Билим юрти кутубхонаси ўзининг илмий ва бадиий адабиётлари фонди билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Мунтазам йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқаларидан сўнг мазкур маънавият ўчоғи янада бойиди. Тарбиявий ишлар бўлими ахборот кутубхона маркази билан қўшма қарор доирасида ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унга кўра ахборот кутубхона маркази билим юрти кутубхонасининг адабиётларга бўлган эҳтиёжини ўрганиб чиқиб, яна бир қатор илмий ва бадиий адабиётлар билан таъминлашни ўз зиммасига олди.



Севимли ёзувчимиз, улуғ сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Моҳир сўз устаси» деб номланган тадбир ҳам ана шу режага асосан ташкил қилинди. Унда ахборот кутубхона маркази илмий услубият бўлими мудири Маҳбуба Қулова, Маънавият ва маърифат марказининг ёшлар билан ишлаш бўлими бош кутубхоначиси Мадина Усмоновалар иштирок этди. Юртимизда Абдулла Қаҳҳор ижоди билан таниш бўлмаган инсонни топиш маҳол бўлса керак. Унинг бетакрор, сўз санъатининг бебаҳо намунаси бўлган ҳикоялари, пьесалари, романлари замонлар ўтсада ўз қийматини йўқотмайди.

Тадбирда улуғ ёзувчимиз қаламига мансуб адабиётлар кўргазмаси намойиш этилди. Ёзувчи ижоди ҳақида соатлаб гапириш мумкин, узундан-узоқ маърузалар қилиш мумкин. Тадбирнинг ўзаро мулоқот тарзида ўтганлиги улуғ ёзувчимиз ҳақида, унинг ижоди ҳақида курсантларимизнинг ҳам фикр-мулоҳазаларини тинглаш имконини берди. Шуниси қувончлики, курсантлар орасида Абдулла Қаҳҳор ижодининг ашаддий мухлислари кўпчилик эканлиги ана шу мулоқот жараёнида яққол кўзга ташланди. Курсантлар – Анвар Жабборов, Шоди Бегимов, Маъмур Турдиев, Дамир Дўсчанов, Сулаймон Гаюповлар ёзувчи асарларидаги сўз ўйинлари, халқ мақоллари, қўшиқлари, маҳорат билан танланган эпиграфлари ҳақида гапирганларида унинг асарлари халқимиз қалбидан нақадар чуқур жой олганлигининг гувоҳи бўласиз. Уларнинг мулоҳазаларидан адабиётга ошно эканликлари, санъаткорона сайқал берилган сўз ҳеч кимни бепарво қолдирмаслиги, оҳанрабо каби ўзига тортиб туришини англайсиз.

«Катта муҳаббат» иборасини ёзувчи шундай изоҳлаган: «Муҳаббат қовунмидики у катта бўлса? Муҳаббат асл бўлади, муҳаббат чин бўлади». – Бу ва бу каби қатор тарошланган изоҳлар ҳақида Маҳбуба Қулова ўз маърузасида тўхталиб ўтди. Маърузачи Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида гапирар экан, унинг асарларида келтирилган халқ мақоллари, сўз ўйинлари маъносини тингловчиларни ҳам жалб қилган ҳолда изоҳлаб борди.

Абдулла Қаҳҳор ижоди дур-жавоҳирли денгизга ўхшайди. Ундан баҳраманд бўлган ҳар бир инсон ўзига яраша хазина топади. Унинг асарлари ҳақида гап кетганда, «Асрор бобо» ҳақида тўхталмаслик мумкин эмас. Икки инсон тақдири, бирбирини фарзанд доғидек даҳшатли азобдан асрашга интилган икки оддий ҳам буюк қалб эгалари ҳақидаги мазкур асарни меҳр ва оқибат тарannum этилган гўзал ва ўлмас қўшиқ дегим келади. Дунёда фарзанд доғидан кўра чўнг дарднинг ўзи йўқ. Давосиз дард бўлмас, дейдилар. Меҳр эса ана шундай чўнг дардларни ҳам енгиллатади.

Кўргазмага қўйилган ёзувчи асарлари ҳақида Мадина Усмонова қисқача маълумотлар бериб ўтди. Шунингдек, курсантларимиз Абдулла Қаҳҳорни ҳикматли сўзлар муаллифи сифатида билишларини ҳам намойиш этдилар. Адабиёт, ижодга ошно кўнгилларда ҳамиша эзгулик илдиз отади. Шарафли касб этагини тутган ёшларга қараб, уларнинг мулоҳазаларини тинглаб, келажак, Ватан тақдири баркамол, етук ёшлар қўлида эканлигидан ажиб бир қониқиш ҳис қиласан.

Сермазмун ва қизиқарли тадбирни тарбиячи офицер Шуҳрат Юсупов бошқариб борди.

– Мазкур тадбир ҳамкорликдаги ишларимизнинг дастлабки дебочасидир, – дейди у. – Режага мувофиқ турли танловлар, кечалар, учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган. Мазкур тадбирлар тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда юксак аҳамият касб этиши шубҳасиз.

И. НОДИРШОҲОВА.

«Келажак овози»
Республика ёшлар танлови

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Шу йилнинг 27-30 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози» Республика ёшлар танловининг сўнгги босқичи ўтказилди. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган 547 нафар иқтидор соҳиблари еттита номинация бўйича беллашдилар. Улар орасидан танлаб олинган 120 нафар ғолибларнинг номи анъанага кўра пойтахтимизнинг муҳташам «Халқлар дўстлиги» саройида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида эълон қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жамиятимизнинг барча соҳаларида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ёш авлодни мустақил ва теран тафаккур соҳиби, соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек улуғвор мақсадларга йўналтирилган. Бугунги кунда юртимизда таълим тизимида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, жаҳон андозаларига мос ўқув-тарбия, спорт соғломлаштириш муассасалари, маданият, санъат, бадиий ижодиёт масканларининг бунёд этилиши, уларда ёшларнинг пухта билим олиши, ўз саломатлигини мустаҳкамлаш борасида яратилаётган зарур имконият ва шароитлар фикримизнинг яна бир тасдиғидир.

Бундай эзгу ва улуғвор ишлар истеъдодли ўғил-қизларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасидаги хайрли ишларга ҳамоҳанг тарзда амалга оширилаётгани эътиборлидир. Бу эса жамоат ташкилотлари, жумладан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятининг ҳам устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Жамғарманинг фан, таълим, маданият, санъат ва спорт соҳаларида тинимсиз изланаётган интилувчан ва фидойи ёшларни аниқлаш, уланинг иқтидорини тўлиқ намоён этиш учун барча имконият ва шароитларни яратиш, келгусидаги янги-янги ижодий парвозлар сари ундаш борасидаги кўплаб ижодий лойиҳалари бунга ёрқин мисолдир.

Ушбу жамоат ташкилоти ташаббуси билан ўтказилаётган «Келажак овози» Республика ёшлар танлови, мамлакатимиз ёшлари ўртасида тобора оммалашиб бораётгани билан янада аҳамият касб этмоқда. 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 32 минг нафар ўғил-қиз иштирок этган бу йилги танловнинг якуний босқичи чинакам санъат, дўстлик, гўзаллик ва нафосат байрамига айланиб кетди. Тўрт кун давомида иштирокчиларнинг танловга тақдим этган ишлари мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди ва муносиб баҳоланди. Дастур доирасида «Келажак юлдузлари» китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Ушбу тўпламга «Келажак овози» танловининг «Бадиий ижод ва публицистика» йўналиши бўйича 2005-2006 йиллардаги ғолибларининг шеърлари киритилган. Шунингдек, «Архитектура ва дизайн» йўналиши иштирокчилари «Style. uz – Мода ва дизайн» ҳафталигида қатнашдилар. Ушбу ҳафталик доирасида эса танлов ғолиблари томонидан яратилган эскиз ва моделлар экспозицияси тақдим этилди.

«Келажак овози» Республика танловининг якунига кўра 120 дан ортиқ ўғил-қиз тасвирий ва амалий санъат, ахборот ва коммуникацион технологиялар, рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар, архитектура ва дизайн, бадиий ижод ва публицистика ҳамда спорт йўналишлари бўйича танлов ғолиби, дея эътироф этилиб, махсус диплом билан тақдирландилар.

Г. ТУРСУНБОЕВА.

«Зулфияхоним қизлари»

ИСТЕЪДОД СОҲИБАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Зулфия номидаги давлат мукофотига Ватанимизнинг энг иқтидорли ва истеъдодли қизлари эга бўлиб келмоқдалар. Ушбу давлат мукофотига шоира Зулфия номи берилгани бежиз эмас. Зеро, Зулфия жамиятнинг барча соҳаларида фаол иштирок этаётган хотин-қизларнинг ижодий меҳнати, қувончу ташвишларини жўшиб куйлаган шоира, ўзбек журналистикасига муносиб ҳисса қўшган публицист, жаҳон адабиётининг буюк намоёндалари ижодини ўзбек тилига ўгирган моҳир таржимон сифатида бундай мақомга муносибдир. Айни кунларда республикамизнинг барча вилоят, туман ва шаҳарларида мазкур давлат мукофотига номзодларни саралаш босқичи бўлиб ўтмоқда.

Бу мукофот мамлакатимиз ёшларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир тимсоли сифатида юртимиз қизларининг орзу-интилишлари, эзгу умидлари ва келажакдаги режаларига ижобий таъсир ўтказиши билан жуда қадрлидир. Шунингдек, мукофот интилувчан, яратувчан, ноёб истеъдодга эга бўлган қизларимизнинг ижтимоий ҳаётида улкан ҳодиса, бурилиш ясамоқда, десак муболаға бўлмайди. Иқтидорли, билимдон фарзандларимизнинг юзага чиқиши, уларга яратилаётган катта имкониятлар эса юртимиз фан ва маданияти, адабиёти, санъати ва таълими тараққиётига қўшилаётган катта ҳиссадир. Шу билан бирга ёшларга имтиёз ва кенг имкон берувчи бундай мукофот бошқа давлатларда жорий этилмаганини ҳисобга олсак, буни мустақиллик берган энг катта имконият десак арзийди. Қувонарлиси шундаки, ҳатто мамлакатимизнинг олис қишлоқларида яшовчи истеъдод соҳибалари ушбу мукофот сабаб эътибор топишмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан мукофот нуфузини янада ошириш борасида кенг миқёсда тарғибот ишлари амалга оширилаяпти. Тошкент шаҳри бўйича жорий йилда пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва умумтаълим мактабларидан жами ўн мингга яқин қиз танловнинг илк босқичида иштирок этиш истагини билдириб, ариза топширишди. Улардан 2446 нафари туман босқичларида қатнашиш имкониятига эга бўлдилар. Уларнинг ижодий ишлари мутахассислар томонидан чуқур ўрганиб чиқилди. Номзодларнинг ижодий ишларига қўйилган асосий талаблар унинг янгилиги, илмий-амалий аҳамияти, бадиий қиммати билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, мустақиллик ғояларини амалга ошириш, жамиятимизда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий маданий ва маърифий ислоҳотлар моҳиятини очиш, мамлакатимиздаги ижтимоий ва маданий ҳаётни янада яхшилашга хизмат қилиши билан боғлиқ эди. Мазкур талаблар асосида ўтказилган таҳлиллар натижасида 46 нафар номзоднинг ижодий иши Зулфия номидаги давлат мукофоти шаҳар комиссиясига тақдим этилди.

Қувонарлиси, мукофотга тавсия этилган номзодлар орасида рус, татар, қозоқ, украин ва бошқ-9Бу эса мазкур давлат мукофотининг янада оммалашиб бораётганидан далолатдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Зулфия номидаги давлат мукофоти бўйича Тошкент шаҳар Комиссияси томонидан шоира издошларини кўпайтириш, барча жабҳаларида ўз истеъдодларини намоён қилаётган қизларни аниқлаш, бир сўз билан айтганда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида пойтахтимизнинг барча туманларида «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари билан ҳамкорликда «Зулфия қизлари» кулублари ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлатимиз томонидан ёшларимизга қаратилаётган ҳар томонлама эътибор мустақил Ватанимизнинг келажаги янада ёрқинлигидан далолат. Буни бугунги кунда жаҳоннинг энг иқтидорли қизлари билан тенглашишга шай турган Зулфияхоним қизлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Г. ТУРСУНОВА.

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Юлдуз Маматқулова Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тамомлаган. Ҳозирда эса ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича таҳсилни давом эттирмоқда. У бўш вақтларида инглизча бадиий китоблар ўқишни ва спорт билан шуғулланишни канда қилмайди. Юлдузнинг келажакдаги орзуси, етук ҳуқуқшунос сифатида фаолият олиб бориш.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Қизларни баҳор фаслига ва гулга қиёслашади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки қизлар ҳам баҳор фасли ва гуллардек гўзаллик, нафосат ва нафисликда танҳодир. Қиз боланинг хунуги бўлмайди. Аксинча, хулқи хунук қиз бўлиши мумкин. Бир тоифа қизлар борки, ўзлари чиройли бўлса-да, ёмон одоб-ахлоқи билан кўпчиликнинг кўнглини хира қилади. Яна бир хил қизлар борки, табиат инъом этган гўзал чеҳрасига ҳамоҳанг, намунали юриш-туриши, ибо-ҳаёси билан атрофдагиларнинг меҳрини қозонади.

Эътибор берганингиздек қиз боланинг ҳаётида хулқ-атвор энг асосий ўринни эгаллайди. Чунки қизларга бошқалар томонидан бериладиган баҳони ҳам унинг хулқи белгилаб беради.

«ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА БАҒИШЛАБ»

Марказий офицерлар саройида 8-декабрь – Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган «Конституция – ҳаётимиз қомуси» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда жамоат ташкилотлари вакиллар, маҳалла фаоллари, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги мудофаа вазирлигининг махсус факультет курсантлари, коллеж ва академик лицей ўқувчилари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида сўзга чиққанлар, конституция мамлакатимиздаги барча соҳаларда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси сифатида халқимизнинг маънавий, маданий мероси, миллий тафаккури ҳамда ҳуқуқий анъаналарга асосланган ва уларнинг бой тажрибасини ўзида акс эттирган асосий қонун эканлигини ва унинг энг асосий мақсади инсонни, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини алоҳида таъкидладилар.

Шундан сўнг кечанинг бадиий қисми очиқ деб эълон қилинди ва Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Муслима ЎРОЛОВА.

В ДЕНЬ КОНСТИТУЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Есть Основной Закон у нас,
в стране
Любимой, независимой,
свободной.
И по нему нам жить –
тебе и мне,
Закону –
Конституции народной.
В ней видится свободный
человек
С надеждами на будущее
наше.
Вошли мы с нею в XXI
век,
Чтоб нам жилось
еще богаче, краше.
Пронизаны простые в ней
слова
Реальностью,
не фразою набитой.
Обязанности наши
и права
Находятся в законе –
под защитой...
Сегодня с Конституцией
своей
Задачи судьбоносные
решаем,
И для благополучия людей
В стране мы мир, стабильность
укрепляем.
Мы в суверенной поступи
страны
Во всех свершеньях к лучшему
стремимся.
Мы нашей Конституцией
сильны
И не случайно ею так
гордимся!

Николай БУРТЫШЕВ.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН
Вам, может быть, сложно решиться на стремительный скачок вперед. Победите этот страх, и вы почувствуете удовлетворение и уверенность. Добиться желаемого будет гораздо проще, если вы попробуете смоделировать ближайшее будущее.

ТЕЛЕЦ
Контакты и учеба будут не только весьма полезны – они доставят радость. Постарайтесь находить нестандартные решения вопросов. Не поддавайтесь унынию из-за временных трудностей. Вам по плечу переделать массу дел.

БЛИЗНЕЦЫ
Постарайтесь быть откровеннее в отношениях с начальством. Вам придется отказаться от части намеченных планов. Эксперименты могут быть не так восприняты, поэтому желательно использовать традиционные методы в работе.

РАК
Вам необходимо собраться с силами и одним рывком справиться с накопившимися проблемами. Попытки наладить отношения с коллегами увенчаются успехом. Постарайтесь не транжирить попусту силы, связи и деньги.

ЛЕВ
Доказывая свое превосходство на этой неделе, будьте мудрее. Направьте избыток энергии в созидательное русло. Для достижения своих целей стоит проявить уступчивость, что позволит нейтрализовать возникшие препятствия.

ДЕВА
От вас потребуется собранность и решительность в действиях для продвижения к намеченным целям. Не стоит принимать близко к сердцу огорчительные обстоятельства. Главное – не браться за несколько дел одновременно.

ВЕСЫ
Выбрав правильную стратегию и приложив усилия, вы добьетесь успеха. Не обращайте внимания на шепот за спиной и завистливые вздохи. Вы можете оказаться в центре событий, проявите смелость и честность.

СКОРПИОН
На этой неделе вы можете исправить ошибки, которые были допущены в отношениях с близкими людьми ранее. Веселое настроение и положительные эмоции, которые вы излучаете, будут притягивать к вам людей, как магнит.

СТРЕЛЕЦ
Жизнь полна неожиданностей и разнообразных событий. Вас будут окружать либо тайны, либо сплетни. На них не стоит обращать внимание. Не берите на себя невыполнимые обязательства.

КОЗЕРОГ
Не огорчайтесь по пустякам: оптимизм позволит вам изменять развитие ситуаций в нужном для вас направлении. Но не забывайте, что это самый простой вариант выбора. Могут возникнуть мелкие, но легко разрешимые неприятности.

ВОДОЛЕЙ
У вас появится реальный шанс осуществить свои замыслы. Все или почти все вы сможете реализовать, предпринимая решительные действия и используя логику. Желательно отложить поездки и командировки.

РЫБЫ
Вас порадуют приятные встречи и творческий подъем, который скрасит относительное однообразие будней. Работы будет много. Но часть дел удастся переложить на широкие плечи партнеров, а основные проблемы придется решать именно вам.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОННИ УЛУҒЛАЁТГАН ҚИЗ

Ўзбек қизи Индира Сайфиева Швейцарияда бир ярим ой ўқиб-ўрганиш, билимларини ошириш билан чекланиб қолгани йўқ. Балки, француз тилида кўп минг нусхада чоп этиладиган «Vivre la ville» газетасида «Ўзбекистон Афғонистонга ўхшамайди!» деб номланган мақоласини чоп эттирди. Унинг Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, халқимизнинг дунёга кўз-кўз қилса арзийдиган анъаналари, маънавияти, бугунги куни ҳақида куюнчаклик, фахр-ифтихор билан ёзилган фикрлари хорижлик тенгдошларида катта қизиқиш уйғотди.

Гарчи бу гўзал қиз ва унинг оиласи ҳақида ёзишни анчадан буён режалаштириб юрган бўлсам-да, асосан ижтимоий-сиёсий ва илмий-публицистик мавзуларда қалам тебратганлигимдан ёки бу маърифатли инсонлар ҳақида билиб-билмай нотўғри мулоҳаза билдириб қўйишимдан чўчибми, унга шу пайтгача журъат қилолмай юрардим.

Индира ҳақидаги дастлабки маълумотни унинг отаси, хизматдаги дўстим подполковник Амрилло Сайфиевдан эшитиб билдим. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун десантчи-офицерлар тайёрлаш ишига муносиб улуш қўшиб келаётган бу инсон ҳаво-десант тайёргарлиги бўйича етук мутахассис бўлиши билан биргаликда, ўта дилкаш ва оилапарвар ҳамдир. Икки қиз ва бир ўғилнинг отаси бўлган Амрилло ака фарзандларининг ҳар соҳада эришаётган ютуқлари ҳақида завқ-шавқ билан гапиришдан эринмайди. «Чори, – деган эди у чамаси 2-3 йил муқаддам, – сиз Индира билан кўришиб, суҳбатлашсангиз яхши бўларди. Бир нарсани айтиб қўяй, кеча у минг метрлик баландликдан бешинчи марта парашютда сакради».

Амрилло ака айтган охирги гап менинг Индирага бўлган қизиқишимни оширди. Чунки шу пайтгача бундай жасоратталаб ишни амалга оширган ўзбек қизи ҳақида камдан-кам эшитган эдим. Ўшанда у Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги иқтидорли болалар лицей-мактабининг ўқувчиси эди. Юртимизда Президентимиз бошчилигида баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги ислоҳотлар қай даражада самара бераётганлигини шунда янада чуқур англадим. Фарзандларимиз биздан кўра ақлли, доно ва баркамол бўлиб ўсаётганини ҳис қилдим.

Оиланинг иккинчи фарзанди бўлган Индира ўша йили Зулфия номидаги мукофот учун ташкил этилган танловнинг республика босқичига чиқди. Гарчи мукофот насиб этмаган бўлсада, у руҳан тушкунликка тушмади ва ўша йили Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг француз тили факультетига энг юқори балл билан ўқишга кирди. Ҳозир университетнинг иккинчи босқичида таҳсил олаётган ҳамда ўзбек, рус, француз ва инглиз тилларини мукаммал биладиган бу қиз ўқишдан ташқари яна ижодий фаолият билан ҳам шуғулланади. Бунда оила аъзоларининг қўллаб-қувватлашлари муҳим роль ўйнаяпти.

–Хорижий тилларни ўрганишдан мақсадим, – дейди Индира, – европаликларни Ўзбекистоннинг ўтмиши ва бугуни, ватандошларимизни эса европаликларнинг маданияти билан яқинроқ таништиришдан иборат.

Ҳозиргача мамлакатимизда нашр этиладиган турли газета ва журналларда унинг ўнлаб мақолалари чоп этилди. Ўтган йили «Камалакранг эртаклар» номли мўъжазгина китобчаси ҳам кўп нусхада нашр қилинди.

Жорий йил университетнинг биринчи босқичини тугатган Индира ёзги таътилда Швейцарияда қарийб бир ярим ой яшаш имкониятига эга бўлди ва у ердаги тилларни ўргатишга ихтисослашган махсус коллежда ўқиб, ўз билимларини оширди, янги дўстлар орттирди.

–Бу мактабда дастлаб менга яхши муносабатда бўлишмади, – дейди Индира, – кейин билсам у ердагилар мамлакатимиз ҳақида унчалик кенг тасаввурга эга эмас эканлар. Шунда менда улардаги бу тасаввурларни ўзгартириш керак, деган фикр пайдо бўлди. Дастлаб ишни коллеж ўқитувчилари ва талабаларига юртимиз ҳақида ҳикоя қилиб беришдан бошладим. Ҳатто, синфимиздаги харитада мамлакатимизни алоҳида рангга бўяб қўйдим.

Индира шу билангина чекланиб қолмади. У Швейцарияда француз тилида нашр этиладиган газеталардан бирида Ўзбекистондаги ҳақиқий аҳвол ҳақида батафсил ҳикоя қилувчи каттагина мақола билан чиқади. Унда муаллиф халқимизга хос бўлган бой ижтимоий-маънавий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятни, шунингдек, дунёнинг илғор миллатларидан бири эканлигимизни ишонарли қилиб кўрсатиб беради. Юртимиздан минглаб чақирим узоқда туриб ҳам бой миллий маънавиятимиз тарғиботчисига ҳамда Ватанимизнинг садоқатли ҳимоячисига айланган бу қизга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди.

Индирадаги тиришқоқлик ва ғайрат туйғуси адабиётнинг катта ихлосманди, шунинг билан биргаликда, ўзгалардан яшириб шеърлар ёзиб юрадиган онаси – Ирода опадан ўтган бўлса, ажаб эмас.

– Қизим 1988 йили дунёга келди, – дейди Ирода опа. – Биз Ҳиндистоннинг ўша пайтдаги бош вазири Индира Гандига ҳавас қилиб, унга Индира деб исм қўйдик. Ундаги ғайрат ва шижоатга баъзан ўзимнинг ҳам ҳавасим келади. Қизим Индира ўз исмига муносиб бўлиб вояга етаяпти.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қаҳрамонимиз жорий йилда таълим йўналиши бўйича «Келажак овози» танловининг ғолиби бўлди. Шундайин шижоатли қизларимиз сафи кенгайишини истаб қоламан.

Подполковник
Чори НАСРИДДИНОВ.

Сатрларда саодат мадҳи

Қалам аҳли учун Ватанни, унинг ўзига хослиги-ю, нурли истиқболини мадҳ этиб куйлашнинг ўзгача завқи бор. Зеро, бу туйғулар юракдан, қалб қўридан тўкилади. Умидли шоира Зулфия Юнусова қаламига мансуб мазкур шеърда ҳам юртга муҳаббат, адолат, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари бош Қомусимиз бўлган Конституциямизни тараннум этиш орқали ифодаланган.

ҚОМУСИМ

Ватаним шаъни у, халқим ғурури,
Юксакни кўзлаган элим шуури,
Қалбларга зиёдир ҳақиқат нури,
У билан чақиндир ҳар айтар сўзим –
Қомусим!

Миллатим эртаси унда мужассам,
Авлодлар ҳақ йўлда мард, собитқадам,
Эзгу битикларки азиз, муаззам,
У ила чароғон кеча-кундузим –
Қомусим!

Бахтим қарвонига сарбон сайланган,
Чўққилар тоқига нарвон сайланган,
Тинчлик, ҳурлигимга посбон сайланган,
Дунёлар кўз тутган шоним, номусим –
Қомусим!

Азим қадриятлар йиғилган ҳикмат,
Имон, ишонч руҳи сингиган неъмат,
Ҳар сўзу сатрида яшар ҳақиқат,
Қадамим мардона, ўткирдир кўзим–
Қомусим.

Гулом КАРИМ

НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

(тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Найзабардорлар арабий арғумоқларда исёнчилар сафларига ёриб кирдилар. Боғий бир даста жангчи билан уларга рўбарў бўлди. У қиличини қинга солиб, эгар қошига осиғлик оғир чўқморни қўлига олди. Арабларнинг кўпроқ унга зарба беришга уринар, сардорлари хатарда қолганини ҳис қилган сарбозлар кўксини қалқон қилиб тўсиб қолардилар. Бир неча дақиқада аксарияти узун найзалар зарбидан ҳалок бўлди. Боғийнинг чўқмори бир найзабардорни қулатишга улгурар-улгурмас яна иккитаси ташланарди. Сардор уч-тўрт ярадор жангчи билан ёв ўровида қолганини кўрган исёнчилар наъра тортиб, ёрдамга отилди. Чунонам шиддат билан ҳамла қилиб, найзабардорларни суриб ташлашди. Лекин бир неча жойи ўткир найза зарбидан реш бўлган Боғий эгар устида зўрға ўтирарди. Кўп қон йўқотганидан у ҳолсизланган, ранги оппоқ оқариб кетган. Шунда ҳам сўнгги кучларини тўплаб, қаддини тиклади. Боши ғувиллаб, кўз олдида отлар, аскарлар остин-устин бўлиб, буларнинг барчаси туман остида қолган эди. У бўғиқ овоз билан:

– Бўшашманг, ёронлар! Ҳали замон бизга мадад етиб келур, – деёлди холос. Боши шилқ этиб кўкрагига тушди ва ортиқ кўтарилмади. У эгар устида жон берганди. От ҳам буни сезгандек оқ либоси алвон рангга бўялган баҳодирнинг жасадини йиқитмай, орқа тарафга олиб кетди. Сардорнинг ўлимидан сўнг оқ кийимлилар қасос ўти билан ёниб, олишувда давом этдилар. Улар сезиларли даражада озайиб қолишган, жанггоҳ марказида қўмондонликни Эрназар ўз қўлига олган эди.

Ҳусайн ғанимнинг интиқом талабидаги бўғиқ наъра ва суронидан таҳликага тушмади. Буни у жон чиқишдан олдин қилинган нола, деб тушунди. Сардорлари маҳв этилдими, энди исёнчилар туриш беролмайди. Волийнинг фикрича, улар Муқанна ёнидан келган Боғийнинг ҳарбий даҳосига ишонишарди, эҳтимол, уни ўқ ўтмас, қилич чопмас, деб билардилар. Лекин у бадани найзалардан илматешик бўлиб ўлди, шу билан унинг қудратига ишонч ҳам йўқолди. Қўзғолончилар батамом яксон қилинажак дақиқалар яқинлашгандай эди. Бироқ волий қўлга кирай деб қолган ғалаба лаззатини туйиб, сархуш бўлиб турганида Абдуллоҳдан чопар келди. Саркарда шарм-ҳаёни унутиб, исёнчилар ҳамласига дош беролмай чекинаётганини очиқ айтиб, ялиниб-ёлвориб волийдан кўмак сўради. Ҳусайн тутақиб кетди-ю, барибир, эҳтиёт отлиқларни ёрдамга юборди. Уларни шу тобда ғанимнинг марказдаги тўпини буткул янчиб ташлаш учун жангга солмоққа мўлжаллаётган эди-ю, аммо на илож.

Мадад олингач ҳам майманадаги оғир вазият ўнгланмади. Бунинг устига, Абдуллоҳ бўлукининг чекиниши натижасида қўшин қалбининг ўнг ёни очилиб қолиб, оқ кийимли отлиқлар ёнбошдан зарба бериб, марказдаги олишув ҳам яна авжланаётган эди. Ҳалокатли зарбанинг олдини олиш учун, волий қалбдаги тўпларни Гирдак бўлуки томон сура бошлади. Исёнчиларнинг асосий кучи мушт бўлиб, шу ерга жамланганини у энди пайқади. Ёрдам келаётганини кўриб, Абдуллоҳ отлиқлари ҳам тўхтаб, ўзларини ўнглаб ола бошладилар.

Жангнинг ҳал қилувчи босқичи бошланди. Ҳар икки тараф лашкаридан омон қолганларнинг аксарияти шудгор қилинган ерда тўпланиб, қисилиб қолди. Олишув жасадлар устида борар, улар қатқат бўлиб тобора кўпаярди. Шу дамда бир киши бўшашиб, қочишга юзланса ҳам, бутун қўшин тақдири фожиали тугашини ҳар бир сарбоз англар эди.

Шу аснода Ҳусайн олдига Бунётдан чопар келди. Бухорхудот исёнчиларнинг катта отлиқ бўлуки ён томондан айланиб ўтаётганини хабар қилган, «менга чекинишга ижозат этмасангиз, бутун аскарларим билан ёв қуршовига тушиб қолиш хавфи бор», деган эди. Волий ғазабдан кўкариб кетди. Исёнчиларда яна қандай қўшин бўлиши мумкин?! Ё Муқанна ростдан жодугармикан? Узоқ Нақшобдан қўшинларни осмонда учириб келиб, жанг майдонига ташлаётганмикан?

Волий Бунёт чопари етказган хабар ёлғонлигини билмади. Бухорхудот жанггоҳнинг ҳар бир жойига даракчилар узатиб, жанг қай тарзда давом этаётганини кузатиб турарди. Ҳусайн ҳам ўз қўл остидагилар билан қўзғолончиларнинг чап қаноти сари бурилибдими, демак, уларнинг асосий кучлари қаердалигини англабди. Энди ким ғалаба қозонмоғи номаълум. Оқ кийимлиларнинг матонатига шубҳа бўлмаса-да, қуролларининг аъло сифатлилиги, отлиқларининг кўплиги билан мунтазам қўшин ғалабага кўпроқ даъво қиларди. Бунинг олдини олиш мақсадида бухорхудот ёлғондакам хабар жўнатди. Бутун қўшини жангда банд волий мадад юборолмайди. Демак, чекинишга ижозат бермай иложи йўқ. Мабодо рухсат этмаганида ҳам Бунёт ўзбошимча чекиниб, сўнгра, ёвнинг сиқувига дош беролмадим, деб ўзини оқлай оларди. Майсара чекингач, Абдуллоҳ ва Ҳусайн жангни муваффақият билан давом эттира олмайдилар.

Боши қотган волий чопарлар жўнатиб, Бунётга ҳам, Абдуллоҳга ҳам жанггоҳни тарк этиб, Ромитан йўли томон чекинишни буюрди. Бухоро йўлига пистирма қўйилиши эҳтимолини назарда тутиб, у ғанимни чалғитмоқчи эди.

Тез орада волий қўшини чекинишга бошлаб, ғаним билан сўнгги зарбаларни алмашиб, жанг майдонидан чиқди. Тўплар қанчалик сийраклашгани шунда яққол кўринди. Йўқотишлар анча оғир: минглаб аскарлару неча-неча юзбошию сарҳанглар ҳалок бўлган. Натижасиз жангдан дарғазаб волий Абдуллоҳ ва Бунётни қўрқоқлик ва лапашангликда айблади. Улар турли важ-карсонлар билан ўзини оқлашга интиларди. Абдуллоҳ қўшинни қайта жанговар сафга тузиб, яна ҳужум қилишни ёқлар, бухорхудот эса унга: «Йиқилган курашга тўймас, шунчалик жангари экансен, нега ёғий ҳамласига дош беролмай, барчадан илгари чекиниб, ишни буздинг», – дер эди.

Жанггоҳ тарафдан эса ғанимнинг зафар садолари эшитилар, иккиланаётган Ҳусайннинг кўнглига ғулғула соларди. Охир-оқибат волий дубора жангга кириш фикридан воз кечди. Қуёш ботаётир, тундаги жанг қандай тугаши номаълум. «Зулмат доим қароқчиларнинг ёваридур», – деди у яна жангга киришни ёқлаган саркардаларга.

Ҳусайн жанг мағлубият билан тугади, деб ҳисобламади. Исёнчиларга қаттиқ шикаст етказилди. Муқаннанинг атоқли саркардаси Боғий ўлдирилди. Бу йўқотишлардан сўнг оқ кийимлилар анчагача ўзларини ўнглаб ололмайди. Эндиги вазифа вилоят пойтахти Бухорога уларни йўлатмаслик ҳамда Хуросон ноиби орқали амиралмуслимин Маҳдий ибн Мансурга вазиятни маълум қилиб, ҳарбий мадад сўрашдир. Халифа Бағдоддан лашкар жўнатгач, аббосийлар туғини Наршахнинг энг баланд минорасига ўрнатиш ҳеч гап эмас. Шу фикрлар билан ўзига тасалли берган волий нафас ростлашга тўхтаган лашкарга йўлга тушишни буюрди.

Бу пайтга келиб шаҳидлар қонидек алвон қуёш уфққа бош қўяётган эди. Ҳолдан тойган исёнчилар чекинган ғанимни таъқиб қилмадилар. Улар чарчаган, қонга беланган, катта талафотлар берганидан қатъи назар ғолибона наъралар жанггоҳни титратди.

(Давоми бор).

Кино оламида

ЎЗБЕКОНА ФАЗИЛАТЛАР НАМОЙИШИ

Анчадан бери кинодан бунчалик таъсирланмаган эдим. Кўнглимдаги ғуборлар тарқалди, гўё. Маънавий озуқа олиш дегани шу бўлса керак-да! Ўзи кинотеатрларга нима учун борамиз. Шунчаки фильмни томоша қилиш, кўнгилни чоғлаш, бўш вақтни ўтказиш ёки бекорчиликданми? Ёки ҳақиқий санъат асаридан эстетик завқ олиш, қандайдир хулоса чиқариш, фикр-мулоҳазага берилиш учунми? Кимга қандай. Ҳозир томошабин учун танлаш имконияти жуда кенг. Деярли ҳар ҳафта янги фильмлар кино мухлисларига тақдим этилаяпти. Лекин уларнинг бадиий савияси, профессионаллик даражаси бир хил эмас. Кўпинча, кино олиндек, масъулиятли ва мураккаб ишга профессионал бўлмаганлар ҳам қўл ураяпти. Бундан эса фақат томошабин зарар кўради. Моддий зарарни қўяверинг, маънавий йўқотишнинг миқдорини қайси мезон билан ўлчаш мумкин? Энг ачинарли жиҳати, бутун кинотеатрларга бораётган томошабинларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Дид, савия, енгил-елпи бадиий жиҳатдан ниҳоятда саёз фильмларни кўриш оқибатида шаклланаяпти...

Ёш ижодкор Ғофур Шермуҳаммаднинг «Саман той» қиссаси асосида яратилган «Чавандоз» бадиий фильми бундан мустасно. Мазкур фильм режиссёри Ҳамидулла Ҳасановнинг дебют иши бўлишига қарамай, ҳақиқий маънодаги профессионал савияда ишланган.

«Чавандоз» фильми ҳозирги вақтда экранларимизни тўлдириб юборган енгил жанрдаги фильмлардан фарқли ўлароқ, томошабинни чуқур фикр-мулоҳазага чорлайди. Ундаги воқеалар ўзбек халқининг миллий ўйинларидан бири саналмиш кўпкари мусобақасининг ўзига хос шиддат ва жозибаси ҳақида ҳикоя қилади.

Фильм бош қаҳрамони Тошмурод полвон – моҳир чавандоз бўлса-да, қалби кемтик. Хотини Саодатнинг эса нигоҳи дардли ва унсиз. Бир кам дунё дегандек, бу оилада ота касб – чавандозликни давом эттирувчи ўғил зурриётнинг йўқлиги икки дардли қалбга мудом оғриқ солади. Истеъдодли актёр Боир Холмирзаев ҳамда Юлдуз Ҳамидова талқинидаги бу икки образ драматик бўёқларга, руҳий кечинмаларга бой.

Мазкур кинокартинани томоша қилиш чоғида яна бир образга тўқнаш келасиз. Чавандозликда ҳеч кимдан қолишмайдиган Бешим полвон (Тоҳир Саидов)нинг қалбида Тошмуродга нисбатан чексиз адоват бўлиб, унинг бош сабабчиси хотини Саодат билан боғлиқ эди...

Фильм воқеалари машҳур актёрлар, ҳайратомуз воқеалар, ёркин бўёқлар, табиий сюжет асосида қурилган.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмаси асосида суратга олинган «Чавандоз» бадиий фильмининг премьерасини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Гапнинг сирасини айтганда ўзбек миллий киноси хазинаси яна бир миллий руҳдаги ажойиб киноасар билан бойиди.

Ушбу фильм сценарийси ўтган йили «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан ўтказилган «Истиқлол ва миллий кино» мавзусидаги адабий сценарийлар танловида ғолибликни қўлга киритди. Танлов ҳайъати эса мазкур киноқиссада ўзбек халқининг бетакрор миллий қадриятлари, ўзига хос характери ва инсоний фазилатлари ёркин акс эттирилганлигини алоҳида таъкидлашди. Адабий сценарийдаги ана шу хусусиятларни кинода тўлақонли қамраб олиш кино усталаридан катта масъулият талаб этарди. Фильм ижодкорлари эса бу вазифани тўлиқ уддалашганлиги эътиборга лойиқ. Ҳозирда мазкур фильмни нуфузли халқаро фестивалларга ҳам тақдим этиш режалаштирилган. Шу мақсадда киноасарни рус тилига дубляж қилиш ва субтитрлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Ўзбекона орият ва мардликни тараннум этувчи, гўзал миллий қадриятларимизни кўз-кўз қилувчи «Чавандоз» фильми яқин кунларда катта экранларда намойиш этилади. Ўйлаймизки, кинони томоша қилган ҳар бир томошабин ундан катта маънавий озуқа ва эстетик завқ олади.

Лола МУРОДОВА.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси шахсий таркиби Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси катта терговчиси адлия катта лейтенанти Нодиржон Ғафуровга отаси

Нарзулла ота ҒАФУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Коллектив редакции газеты "Ватанпарвар", Центрального печатного органа Министерства обороны Республики Узбекистан выражает искренние соболезнования старшему корреспонденту отдела массовой работы и спорта майору Камалову А. А. в связи с кончиной его отца

КАМАЛОВА Айнатдина.

Бош муҳаррир подполковник К. МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор Х. ЗАЙНИЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 04 90; масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76. Факс – 153 17 98.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **В. Кузнецов** ва **Р. Ислакаев** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Н. Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-4369. **Адади** 22850.